Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 40 (4735).
18 ФЕВРАЛЬ 1982 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЯНГИ ҲАЙКАЛ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа Тошкент ҳайкалтарошлик тажриба комбинатида ҳам кенг қулоч ёзган.

Комбинат меҳнат аҳли ўтган йил ва шу йил бошидан бери бир қанча ёдгорлик ва ҳайкаллар тайёрлаб, қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда.

БУГУН

комбинатда таниқли жамоат арбоби, оташин инқилобчи, коммунист Акмал Икромовнинг ҳайкалини тайёрлашга киришилди.

Бронзадан ишланган ёдгорликнинг бўйи етти метр бўлиб, уни ҳайкалтарош И. Кленицкий, постаментини эса архитектор Ф. Ашрафийлар яратишган.

Тонгги газеталарда

● «Партиявий ғамхўрлик билан» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● 1982 йил 16 февралда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-1338» учирилди.

Йўлдош ичида космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

● 17 февраль куни Москвадаги Коммуна майдонида А. В. Суворов ҳайкали очилди.

Шу муносабат билан митинг бўлиб ўтди. Бу митингда В. В. Гришин, Д. Ф. Устинов ўртоқлар, таниқли совет ҳарбий бошлиқлари, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, пойтахт меҳнаткашлари иштирок этдилар.

Коммунистик меҳнат зарбдори З. Голошчапова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқув цехидаги илғор тўқувчилар бригадасининг бошлиғидир. У 30 йилдан бери ана шу корхонада ўз касбини шарафлаб келмоқда. Унга «Бирлашманинг фахрий ишчиси» деган ном берилган.

СУРАТДА: З. Голошчапова.

М. Нуриддинов фотоси.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Правда» газетасининг «Тежамкорликни рағбатлантириб» сарлавҳали бош мақоласи тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда қайд этиладики, «Правда» газетасида 1982 йил 1 февралда эълон қилинган «Тежамкорликни рағбатлантириб» сарлавҳали мақолада иқтисод ва тежамкорлик учун, халқ хўжалик ресурсларидан омилкорлик билан ва самарали фойдаланиш учун курашни кучайтириш масалалари мутлақо тўғри кўтариб чиқилган. Ҳамма турдаги ресурслардан фойдаланишда қаттиқ иқтисодий тежаш — ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришнинг асосий резервларидан биридир. Шу резервлардан фойдаланиш — ҳозирги босқичда хўжалик фаолиятининг ғоят муҳим вазифаси, ҳар бир меҳнаткашнинг, ҳар бир раҳбарнинг ишидир.

«Бизнинг бундан буёнги олға ҳаракатимиз, — деб уқтирди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида, — барча мавжуд ресурслар — меҳнат, асосий фондлар, ёқилғи ва хом ашёдан, дала ва фермаларнинг маҳсулотларидан моҳирона ва самарали фойдаланишга тобора кўпроқ даражада боғлиқ бўлиб қолади».

Республиканинг партия, совет ва хўжалик органлари ёқилғи, электр энергияни, металлни сарфлашда интизомни мустаҳкамлаш, уларни тежаш юзасидан белгиланган топшириқларни бажариш учун, маънавий ва моддий омилларни самарали қўлланиш учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида муайян иш олиб бормоқдалар.

Республиканинг илғор коллективларида металлдан, ёқилғи, электр энергия, хом ашёдан тежамли фойдаланиш соҳасида талайгина тажриба тўпланган. 1981 йилда халқ хўжалигида ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, нобудгарчиликни имкони борича кўпроқ қисқартириш, моддий ресурслардан янада оқилона фойдаланиш йўли билан 26 минг тонна металл, 513 миллион киловатт-соат электр энергия ва 804 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 52 минг тонна цемент тежаб қолинди.

Ғаллани исроф қилишга чек қўйиш, шу қимматли озиқ-овқат маҳсулотидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан қатъий чоралар кўрилди. Ўтган йил мобайнида 173 минг тонна ғалла ресурслари, шу жумладан 126 минг тонна буғдой ва 45 минг тонна шоли тежалди. Бир йил ичида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ун сарфи бир килограмм камайди ва шу ҳисобнинг ўзидангина 29 минг тонна ун тежаб қолинди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети халқ мулкини тежаб-тергаб уни авайлаб асраш ҳали ҳамма жойда ҳам одат тусига кирмаганлигини қайд этдилар. Кўпгина заводлар, фабрикалар, ишлаб чиқариш бирлашмалари тайёр маҳсулот бирлигига нормативларда кўзда тутилганига қараганда анча кўп моддий ресурс сарфламоқдалар, уларнинг ортиқча сарфланишига йўл қўймоқдалар. Иккиламчи ресурслар оборотга дуруст жалб этилмаяпти, баъзи корхоналарда электр энергия, иссиқлик, ёнилғи, ёғоч-тахта, цемент истеъмол қилишни ҳисобга олиш ва унинг устидан контроллик қилиш йўлга қўйилган эмас, ана шу ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш учун ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг маънавий ва моддий манфаатдорлигининг самарали формалари ҳамма жойда ҳам қўлланилаётгани йўқ.

1981 йилда Андижон гидролиз заводи, Қўқон пайпоқ йигирув комбинати, Бекобод цемент комбинати электр энергияни, «Средазэлектраппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси металл прокатини, Фарғона тўқимачилик комбинати ип газлама калавасини, Гулистон ёғ-экстракция заводи экстракция бензинини ортиқча сарфлашга йўл қўйдилар. «Аҳангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси машина-ускуналарни планли ремонт қилишни яхши ташкил этмаганлиги, уларнинг авария ҳолати муносабати билан анча вақт тўхтаб қолганлиги сабабли бир йил ичида юз минг тоннадан кўпроқ цементни кам берди.

Баъзи машинасозлик заводлари ҳамон асоссиз равишда вазни оғир машиналар, агрегатлар, механизмларни ишлаб чиқармоқдалар. Замонавий камчиқит технология, деталларни мустаҳкамлаш жараёнлари, композицион полимер материаллар, пластмассалар ҳали суст жорий этилмоқда, ҳолбуки бу металлдан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий резервидир.

1981 йилнинг 1 октябрига қадар бир қанча корхоналарда банк томонидан кредитланмаган товар-материал буюмларнинг нормативда белгиланганидан кўп запаслари йиғилиб қолди. Жумладан, Пахта тозалаш саноати министрлигида бундай запаслар 70 миллион сўмликни, Маҳаллий саноат министрлиги ва Енгил саноат министрлигининг ҳар бирида 21 миллион сўмликни, Озиқ-овқат саноати министрлигида 20 миллион сўмликни, Мева-сабзавот хўжалиги министрлигида 18 миллион сўмликни ташкил этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область, шаҳар, район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, шаҳар ижроия комитетларига, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига КПСС XXVI съезди қарорларига, «Правда» газетасининг 1982 йил 1 февралдаги бош мақоласи қоидаларига амал қилиб, ташкилотчилик ва сиёсий иш формалари ҳамда методларини янада такомиллаштиришни таъминлаш ва тежамкорлик режимини кучайтириш, хом ашё материаллар, ёқилғи ва электр энергияни авайлаб оқилона сарфлаш, иш вақтининг зое кетишини қисқартириш, ишлаб турган қувватлардан энг кўп даражада фойдаланиш ва янгидан фойдаланишга топширилган қувватларни жадал ўзлаштириш юзасидан қўшимча амалий тадбирларни ишлаб чиқиш вазифасини топширдилар. «Тежамкорликни рағбатлантириб» сарлавҳали бош мақолани ва ушбу қарорни партия ташкилотларида ва меҳнаткашларнинг умумий йиғилишларида, коллегия мажлисларида, директорларнинг кенгашларида муҳокама қилиш тавсия этилди.

Партия, совет, хўжалик органларига, министрликлар, идораларга, бирлашмалар ва корхоналарга меҳнат, хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергияни тежаб сарфлаш ва шу асосда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги техника ҳамда технологияни жорий этиш борасида илғор коллективларнинг тажрибасидан активроқ фойдаланиш таклиф этилди. Мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга қаратилган моддий ва маънавий омиллар моҳирлик билан самарали қўллансин.

Қарорда республика Госплани, Госстройи, Госснабига, Фанлар академиясига, министрликлар ва бирлашмаларга, партия ва совет органларига ишларнинг янги план ва нарх кўрсаткичларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш юзасидан қатъий чоралар кўриш топширилди. Бундай чоралар юксак пировард натижаларга эришишга йўллаган ҳамда хом ашё, материал, ёқилғи ва энергия сарфини камайтиришга имкон берган бўлур эди.

Материаллардан оқилона фойдаланиш ва уларни тежашни таъминлайдиган энергия ва материалларни иқтисод қилувчи технология жараёнларини ишлаб чиқиб жорий этиш учун олимлар ва мутахассисларга нисбатан талабчанлик оширилсин. Чизмалар ва бошқа техника ҳужжатларига энг замонавий ечимлар, ғоят самарали прогрессив материаллар асос қилиб олинсин.

Қарорда хом ашё, материаллар ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги Бутуниттифоқ жамоат кўригида ишчилар, инженер-техник ходимларнинг иштирокини доимо кенгайтириш, кишиларни тежамкорлик ҳаракатига онгли равишда қўшилишга даъват этиш зарурлиги таъкидланади.

Ҳар бир меҳнаткаш халқ мулкининг омилкор хўжайини эканлигини ҳис этиш руҳида тарбиялансин, корхонадаги ишлар учун шахсий масъулият муттасил оширилсин. Ишлаб чиқариш топшириқлари ҳамда хом ашё, ёқилғи ва бошқа ресурсларни сарфлаш нормалари бажарилмаётганлиги учун, кооперация асосида маҳсулот етказиб бериш муддатларини ва шартнома мажбуриятларини бузганлик учун айбдорларга нисбатан қаттиқ талабчанлик қилинсин.

Газета ва журналлар, радио ва телевидение редакцияларига жамоат мулкига тежамкорлик билан муносабатда бўлиш, барча ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини чуқур ёритиш тавсия этилган. Хом ашё, ёқилғи, электр энергия, металлни, ғаллани ва бошқа моддий ресурсларни тежаш учун мусобақанинг бориши тўғрисидаги материаллар мунтазам суратда эълон қилиб турилсин, бу ишда илғор коллективлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаси кенг пропаганда қилинсин. Ресурсларни сарфлаш ва истеъмол қилиш юзасидан белгиланган нормалар бузилишига, хўжасизлик кўринишларига дарҳол ва қатъий эътибор берилсин, танқидий мақолаларга доир амалий чоралар кўрилишига сабот билан эришилсин.

КПСС аъзоси М. Қулибоев 31 йилдан бери «Таштекстильмаш» заводида баракали меҳнат қилиб келяпти. У смена топшириқларини доимо ортиғи билан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Айни кунларда у йилнинг ноябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Унинг фидокорона меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Ленин ҳамда Ҳурмат Белгиси орденлари кавалеридир.

СУРАТДА: М. Қулибоев. Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

2000 ЙИЛЛИК ОЛДИДАН

Тошкент юбилейига тайёргарлик чоғида кўпгина ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бунга шаҳар хўжалигининг турли тармоқлари, корхона ва ташкилотларнинг коллективлари қўшилишган. Умумий овқатланиш корхоналари ва пойтахтнинг Киров районида шу санага қандай тадбирларни бажариш кўзда тутилган ва бу тадбирлар қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлисида атрофлича сўз борди. Мажлисни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов олиб борди.

Ўтган йили умумий овқатланиш корхоналарининг тармоқлари 7 минг ўринга кенгайди. Уларнинг кўпчилигида, шу жумладан «Баҳор», «Чилонзор» ресторанларида, «Лаззат», «Салом», «Ширин» кафеларида, 18-ошхона, 1 ва 4-кулинария магазинларида реконструкция ишлари, капитал ва жорий ремонт ишлари олиб борилди, кундузги овқатланиш ва савдо залларининг ички интерьерлари ўзгартирилди. Шу билан бир қаторда бу жойларда территорияларни ободонлаштириш, кичик хиёбонлар бунёд этиш ишлари ҳам олиб бориляпти.

Умумий овқатланиш бошқармаси 1982 йил юбилей санасига тайёргарлик кўришда ҳал қилувчи йил эканлигини ҳисобга олиб яна қўшимча тадбирларни ишлаб чиқди. Жумладан, мавжуд овқатланиш корхоналари сафига яна 6135 ўринли корхоналарни фойдаланишга топшириш, шу жумладан Тошкент трактор заводи, 1-автокомбинат, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари учун, совет савдоси ва гидрометеорология техникумларининг ўқувчилари учун, Ўрта Осиё медицина педиатрия институти студентлари, Олмазор, Қорасув массивларининг аҳолиси учун шундай ошхоналарни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Халқаро дўстлиги майдонида 600 ўринли ресторан қурилиши бошлаб юборилади.

Бироқ, белгиланган тадбирларнинг бажарилишини текшириш чоғида бир қатор нуқсон ва камчиликлар ҳам очиб ташланди. Барча ошхоналар трестлари ремонт ва янги қурилишларнинг пойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга активлик билан киришганлари йўқ, ошхоналарнинг фасадларини ўзгартириш, ободончилик ишлари сусткашлик билан олиб борилмоқда. Ана шу нуқсонларга зудлик билан барҳам бериш лозим.

Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик пайтида шаҳримизнинг марказий районларидан бири бўлмиш Киров райони ҳам ўз чиройини бирмунча ўзгартиради. Бу ерда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича ишлар бирмунча жонланди, турар-жой ва маъмурий биноларнинг ташқи фасадларини жиҳозлаш бўйича ишлар активлашди. 108,8 минг квадрат метр турар-жой биноси фойдаланишга топширилди, иккита мактаб, Юнусободда учта озиқ-овқат магазини ишга туширилди. Район аҳолисининг кучи билан «Марказ—4» кварталида теннис майдони қурилди, травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институтининг, 11-«Висотстрой» тресты, «Спецмонтажс т р о й» бошқармасининг актив ёрдами билан «Марказ—2», «Марказ—4», «Б—2» кварталларида саломатлик шаҳарчалари иш бошлади.

Бироқ, 1981 йилда бажарилиши керак бўлган айрим тадбирлар адо этилмади. Р. Люксембург номидаги касалхона, иккита болалар боғчаси қурилиши муддатлари бузилди. Зовур ва Оққўрғон каналларида насос станцияси қурилиши, «Қорақамиш» коллекторини ўтказиш ишлари сусткашлик билан олиб бориляпти. Кўпгина корхоналарда ишлаб чиқилган тадбирлар конкрет эмас, аҳоли турар жойларида олиб борилаётган ишлар даражаси ҳам кўнгилдагидек эмас.

Шаҳар комиссиясининг аъзолари капитал қурилиши планлари бажарилишини таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни қабул қилиш, бунда кварталларни комплекс равишда қуриш, шунингдек аҳоли ўртасида районнинг санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, район территориясини ободонлаштириш, турар-жой массивини чиройли қилиб безаш бўйича кўрик конкурсни уюштиришга асосий эътиборни қаратдилар.

Комиссия ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар Комитетининг секретари Б. Г. Халилов иштирок этди.

САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗИ АСОСИДА

●

Аҳоли хизматида

Куйбишев районидаги Қорасув-2 массивида аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ердаги илгари бўш ётган сайҳонликда ёпиқ бозорча ташкил этилди. Унинг территорияси асфальтланган бўлиб, қулай савдо пештахталари ўрнатилган. Бозорча яқинида аптека ва озиқ-овқат магазини бинолари қад ростлаяпти. Қўшни Қорасув—1 массивида эса яқинда сартарошхона ва яна бир савдо дўкони очилди.

Уй-рўзғор учун

Шаҳримизда аҳоли талаблари асосида уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Шаҳар маҳаллий саноати ўтган йилнинг ўзида юздан ортиқ хил янги кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Депутатлик назорати ўрнатилган буюмлар орасида миллий пойафзал, галантерея буюмлари, сирланган идишлар, чиройли қандиллар бор. Ана шу буюмларнинг йигирма хилдан ортиғига давлат Сифат белгиси қўйиляпти.

Хизмат тури кўпайди

Кейинги пайтда Сергели районида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бирмунча юксалди. Жумладан, тўртта янги хизмат тури жорий этилди. Булар — тери буюмларни ремонт қилиш ва тикиш, уй эгалари ҳисобига квартираларни ремонт қилиш, мебель тайёрлаб бериш ҳамда автомобиль шина ва камераларини ремонт қилиб беришдир.

Ҳозир районда салкам 90 та маиший хизмат кўрсатиш объекти бўлиб, уларда аҳолининг 29 хил юмуши бажариб берилмоқда.

Навбатдаги режалар

Ўн биринчи беш йилликда Акмал Икромов райони меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатиш бир ярим баравар ўсади. Бунга қандай эришилади? Аввало Фарҳод ва Ҳамроқул Турсунқулов кўчаларида маиший хизмат кўрсатиш уйлари ишга туширилади. Уйғур кўчасида маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчаси барпо этилади.

М. МУРОДОВ.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Жалолқудуқ районидаги колхозлар ва совхозларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи агрономлари қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши биологик методларни ўрганиш курсига қатнашмоқдалар. «Узсельхозхимия» район бирлашмасининг мутахассислари улар ҳузурида лекциялар ўқимоқдалар.

Областдаги барча районларда ҳам ана шундай курслар ташкил этилган. Бу йил областда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методлари кенг ёйилади.

Вегетация даври бошлангунича областнинг барча хўжаликларида биолабораториялар ташкил қилишга қарор қилинди. Қўрғонтепа ва Балиқчи районларида фойдали ҳашаротларни кўпайтирадиган иккита энг катта фабрикани қуриб биткaзиш мўлжалланган. Бу фабрикаларнинг ҳар бири 40 минг гектар экин майдонини фойдали ҳашаротлар билан таъминлайдиган бўлади.

* * *

Мирзачўл районидаги «Советская Россия» совхозининг ремонтчилари экиш техникаси ремонтини тугатдилар. Сифат комиссияси тракторлар, сеялкалар, плугларни «аъло» баҳога қабул қилди. Слесарлардан Х. Рустамов, А. Ўзоқов, электр пайвандчи И. Хван социалистик мусобақада энг яхши натижаларга эришдилар.

Совхозда «зангори кемалар» деталларини таъмир қилиш йўлга қўйилган. Экономистларнинг ҳисоб-китобига кўра, бу техника ремонтининг таннархини ўн процент камайтириш, бундан ташқари йиғим-терим мавсумида запас қисмлар проблемасини ҳал этишга имкон беради.

Хўжаликда машина-механизмлар яхши сақланади. Сеялкалар, тракторлар бостирмаларда туради. Машиналар турадиган ҳовли бетонлаштирилган, машиналар устини тозалаш ва ювиш эстакадаси бор.

* * *

Третьяков галереясида, Эрмитажда ва жаҳонга машҳур бўлган бошқа музейларда томошабинлар эътиборини ўзига жалб этиб келаётган буюк рассомлар асарларини Фарғонада истиқомат қилувчи Нина Афанасьевна Сухованнинг уйида кўриш мумкин. Тўғри, бу полотноларнинг нусхалари кичик форматда бўлиб, булар репродукциялардир. Коллекционер бундай репродукциялардан ўн беш мингдан кўпроғини тўплаган.

Коллекциянинг энг катта қисмини Владимир Ильич Лениннинг, унинг революцион курашдаги сафдошларининг образи акс эттирилган картиналар ташкил этади. Ўзбекистон рассомлари яратган Ленинномa уй-музейида муносиб ўрин эгаллаган. Сухованинг коллекциясидан Фарғона мактабларининг тарих ва жамиятшунослик ўқитувчилари тез-тез фойдаланиб туришади.

(ЎзТАГ).

Одоб-ахлоқ хазинаси

оқшом суҳбатлари

ИККИ МУРАББИЙ

Педагог Ж. Исмоиловнинг шу сарлавҳали мақоласида оилада фарзандларини одобли, иффатли қилиб тарбиялаш ҳақида фикр юритилади.

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

Бугун ана шу анкета саволларига «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг бош редактори, ёзувчи Нурали Қобулнинг жавоблари эълон қилинмоқда.

ЯХШИЛИК ПАРВОЗГА ҚАНОТ

Зикрилла Исабоев ўз мақоласида одамлар ўртасидаги ўзаро қадр-қиммат, ёру дўстларга ҳамиша ёрдам бериш инсоннинг оддий бурчи эканлиги ҳақида фикр юритади.

ИФФАТ ГЎЗАЛЛИККА ҲУСН

Тошкент пластмасса ва химия маҳсулотлари заводининг инженери Окилахон Каримованинг мақоласи инсондаги гўзаллик ва иффат туйғуларига бағишланган.

ҲАМДАРД БЎЛИНГ

Шаҳримиздаги районларнинг социал таъминот бўлимларига иш билан борган меҳнат ветеранлари ва инвалидларига у ерда қандай муомала қилиняпти? Газета мухбири М. Муродов ана шу ҳақда фикр юритган.

МАКТАБДА ТЕПЛИЦА

Тошкентдаги 81-мактабнинг ёш табиатшунослари одатдан ташқари ажойиб жонли гербарий тўпладилар. Уларнинг теплицасида турли гуллар ва манзарали ўсимликларнинг 300 дан ортиқ тури, кўпгина мамлакатлар ва қитъалардаги ўсимлик дунёсининг намуналари ўсмоқда.

Ўқувчилар биология ўқитувчиси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи А. Дўстматов раҳбарлигида ўзлари ойна остида ботаника боғи яратдилар. Бу йил болалар яна бир теплица қуришни, шунингдек мактаб тажриба участкасини кенгайтиришни мўлжалламоқдалар. Бу ерда юқори синф ўқувчилари пахта, маккажўхори, кунгабоқар ва сабзавот етиштирадилар.

(ЎзТАГ).

Телетайп лентасидан

● **БЕРЛИН.** Германия Демократик Республикасида «Шаҳар ва қишлоқларимиз янада гўзал бўлсин. Биз билан бирга меҳнат қил» ҳаракати тобора кенг тус олмоқда. Гера округи аҳолиси ишдан бўш вақтида уй-жой биноларини ремонт қилиш, боғ ва хиёбонларни ободонлаштириш, спорт иншоотлари, болалар майдончалари қуришда фаол иштирок этмоқда. Бу йил округ шаҳарларида аҳолининг кучи билан қарийб 12 мингта квартира ремонт қилинади.

Ўтган йили умумхалқ ҳаракати билан бажарилган ишлардан олинган иқтисодий самара рекорд даражага — қарийб 200 миллион маркага етди.

● **УЛАН-БАТОР.** Улан-Батор партия активи йиғилишида МХРП XVIII съезди қарорлари асосида Монголия пойтахти коммунистларининг ташкилотчилик ва идеология ишларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилиш қатнашчилари шаҳар партия ташкилотининг 1981 йилги фаолиятига якун ясадилар, келгуси ишлар планини белгилаб олдилар. Кўплаб ишлаб чиқариш коллективлари ўтган йилги план топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари таъкидлаб ўтилди. Йиғилишда Улан-Батор меҳнаткашлари еттинчи беш йилликнинг иккинчи йили учун юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар.

● **ТЕҲРОН.** Систон ва Белужистон вилоятидаги (Жануби-шарқий Эрон) Эроншаҳр районида 6 февраль куни юз берган ер силкиниши натижасида 200 та уй вайрон бўлган. Эрон телевидениеси эшиттиришида зилзиланинг кучи ва қурбонлар тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган.

* Эроннинг шу вилоятидаги Жаск порт шаҳрида сув тошқини туфайли камида беш киши ҳалок бўлганлиги тўғрисида ҳам хабар қилинади.

(ТАСС).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Шиоримиз: тез қурамиз ва тез ўзлаштирамиз

ЖИДДИЙ ИМТИҲОНДАН ЎТЯПМИЗ

«Уйсозлик, заводсозлик комбинатларини, шунингдек қишлоқ қурилиш комбинатларини янада ривожлантириш ва техника билан қайта жиҳозлаш таъминлансин, уларнинг қувватидан тўлиқроқ фойдаланилсин, уй-жой қурилишининг умумий ҳажмида йирик панелли ва катта ҳажмдаги блокли уй-жойлар қуриш салмоғи оширилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Коммунистик партиянинг сўнгги съезди барча соҳалар каби капитал қурилишнинг ҳам бош вазифаларини белгилаб берди. КПСС XXVI съезди белгилаб ва тасдиқлаб берган Асосий йўналишлардаги биз келтирган сатрлар бу бош вазифанинг ажралмас бир қисмидир. Съезд ўз ишини тугаллаганига мана яқинда бир йил тўлади. Хўш, бу борада тошкентлик қурувчилар қандай ишларни амалга оширдилар, улар беш йиллик имтиҳонидан қандай ўтаяптилар? Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг кўп минг кишилик қурувчилар армияси халқ фаровонлигини ошириш беш йиллигига қандай ҳисса қўшаяпти? Маълумки, ўн биринчи беш йилликда республикамиз пойтахтида жуда кўплаб корхоналарни қайта тиклаш ва янги қувватларни ишга тушириш мўлжалланган. Шунингдек, қурувчи-уйсозлар олдига ўн биринчи беш йилликда пойтахтда уй-жой қурилишининг йиллик ҳажмини 1,5 миллион квадрат метрга етказишдек улкан вазифа қўйилган. Бу вазифанинг асосий қисми бизнинг коллективимиз зиммасига тўғри келади. Хўш, ҳозирда бу улкан вазифани бунёдкорлар қай тарзда ҳал этяптилар?

Партия қарорларидан илҳомланган қурувчиларимиз йил бошиданоқ ўз зиммаларига олинган вазифаларни ҳал этишга енг шимариб киришдилар. Маълумки, съездлар йили биз бунёдкорлар учун жуда ҳам тиғиз йил бўлди. Қурилиш ишлари кўлами ниҳоятда кенг ва улкан эди. Лекин коллективимиз бу ишларни маромига етказишга астойдил ҳаракат қилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида кўплаб турар-жой бинолари, маориф, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш, коммунал ва маданий-маиший хизмат объектлари ишга туширилди. Чунончи, 867 минг метр квадрат турар-жой майдони ҳамшаҳарларимиз ихтиёрига берилди. Бу 1980 йилдагига нисбатан план кўрсаткичини 90 минг метр квадратга оширди. Пойтахтнинг 3600 дан ортиқ жажжи граждандари янги бунёд этилган боғча ва яслиларга бордилар. Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларидаги ўқувчилар ўрни 12400 тага, шифохоналардаги беморлар жойи 820 тага, поликлиникаларга қатнаш ўрни 1100 тага кўпайди. Саноат, маданий-маиший ва коммунал хўжалик ишларига мўлжалланган 80 та объект ишга туширилди. Шу жумладан абразив комбинатида, «Ташсельмаш», «Компрессор», химия-фармацевтика заводларида, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошқа корхоналарда катта реконструкция ишлари амалга оширилди ва янги қувватлар ишга туширилди. Хуллас, асосий фондларни ишга тушириш бўйича йиллик план ортиғи билан уддаланди. Бунёдкорларимиз ўтган йили жами 266 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

Хўш, бундай муваффақиятларга қандай эришиляпти?

Бош бошқармага қарашли барча қурилиш бошқармаларида капитал қурилиш самарадорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш учун «Тез ва соз қурамиз» шиори остида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Бинобарин, мусобақанинг ошкоралиги, таъсирчанлиги қанчалик юқори бўлса, меҳнатда шунчалик юқори натижаларга эришаверилади. Беллашувда ишлаб чиқариш такомиллашади, янги-янги ташаббуслар, илғор иш усуллари юзага келади. Ана шу мусобақада барча бошқармалар коллективлари энг илғор иш усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Ҳозирда қурилиш ишларида ўзининг энг афзал томонларини амалда исботлаётган Злобин методи, Басов ташаббуси кенг ўрин олмоқда. Бошқармаларда ойдан-ойга злобинчи бригадалар сони тобора ортиб боряпти. Ўтган йили улар жами бажарилган ишнинг 62 процентини бажардилар. Айниқса, меҳнатга коммунистик муносабатда ёндошиш ҳаракати оммавий тус олди. Жумладан, Бош бошқармамизнинг 577 коллективи «Коммунистик меҳнат бригадаси», 7 минг нафардан ортиқ қурувчиси эса «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган шарафли номларга сазовор бўлди.

Қурилиш ташкилотларида илғор ташаббусларга кенг ўрин берилмоқда. Ўзбекистоннинг ўн беш нафар илғор қурувчиси ташаббуси коллективимизнинг жуда кўплаб бунёдкорлари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Жумладан, бу ташаббусга «Строймеханизация» трестининг Ўсар Икромов, «Промстройкомплект» бирлашмасининг Алексей Клиновой, 3-трестнинг Анатолий Шокиров, 159-трестнинг Вячеслав Миллер, «Жилстрой» трестининг Баҳодир Шукуров, транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг Иван Бабийчук ва Евгений Терехов ҳамда бошқалар «лаббай» дея қўшилдилар.

Капитал қурилишда ишни яхшилаш бошланғич партия ташкилотлари, барча коммунистлар ва ҳар бир бинокорнинг муҳим вазифасидир. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақанинг ошкоралигини ва таъсирчанлигини оширишга эътибор бермоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг иш самарадорлиги ва сифатини оширишга таъсирини кучайтириш ҳақида»ги қарорида, КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган хулоса ва қоидаларга қатъий амал қилишлари керак. Бунга амал қилган қурилиш ташкилотларида юқори кўрсаткичларга эришиляпти. Мана масалан, 11-«Висотстрой» трести, 1-уйсозлик комбинати ва уй-жой қурилиш трести коллективларини олайлик. Улар ишни тўғри ташкил этганликлари, социалистик мусобақани тобора авж олдираётганликлари учун қурилиш ишларида яхши натижаларга эришиб келяптилар.

Ўтган йилги ишларни назардан ўтказар эканмиз, албатта камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Қурилиш ишларида ҳали ҳал этилмаган масалалар ва нуқсонлар мавжуд. Кўплаб қурилиш-монтаж ташкилотлари ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан, илғор иш усулларидан кенг фойдаланмаяптилар. Бунинг пировардида, бир қатор трестлар ва бошқармалар қурилиш-монтаж ишлари ва объектларни фойдаланишга топшириш планларини бажара олмадилар. Масалан, 4-қурилиш трести қурилиш-товар маҳсулоти топшириш планини, 4-уйсозлик комбинати, 6 ва 8-қурилиш трестлари эса асосий кўрсаткичлар бўйича зиммаларидаги топшириқларнинг уддасидан чиқолмадилар. Шунингдек, 20 та бош пудрат ва монтаж бошқармалари 1981 йил планини маромига етказа олмадилар. Бу қолоқлик умумий ишимиз натижасига салбий таъсир этмай қолмади, албатта.

Ҳали шаҳардаги муҳим объектлар қурилишини кўнгилдагидек олиб бориляпти деб бўлмайди. Бизда ҳали тугалланмаган объектлар ҳажми катталигича қоляпти. Оқсаётган коллективлар меҳнатнинг прогрессив усулларидан, самарали материаллар ва конструкциялардан кенг фойдаланмоқликлари, сермеҳнат жараёнларни механизациялаштирмоқликлари, қурилиш объектларида бекор туриб қолиш ҳолларига барҳам бермоқликлари, иш вақтининг беҳуда йўқотилишларига йўл қўймасликлари лозим. Бу омиллар сўзсиз муваффақият гаровидир.

Айрим ташкилотлар ишга тушириладиган объектларни — қувватларни вақтида фойдаланишга топширишмаяпти. Маълумки, бу вазифа ҳозирги кундаги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, бундан кейин ҳам фан-техника тараққиётини белгиловчи корхоналарни реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта ускуналаш кенг миқёсларда олиб борилади. Ана шу янги қувватларни ишга тушириш билан машғул бўлган қурилиш-монтаж ташкилотлари биринчи галда эътиборни ана шунга қаратмоқлари лозим.

Планлаштириш ва моддий-техника комплектациясини ташкил этишда ҳам ҳали ҳал этилмаган кўпгина муаммолар мавжуд. Масалан «Промстройкомплект» бирлашмаси ишга тушириладиган объектларга йиғма-темир бетон, металл конструкциялари, арматура, дурадгорлик ва бошқа буюмларни етказиб бериш бўйича шартнома графигининг узилишига тез-тез йўл қўйяпти. Лойиҳа-смета ҳужжатлари савиясини ҳам бугунги кун талаби даражасида деб бўлмайди.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 ва 1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да қурилишда меҳнат унумдорлиги 15—17 процент оширилсин дейилган. Бу юксак маррага эришиш учун аввало қурилиш ишларининг ташкилий-техник даражасини ошириш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг қўллаш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларидан фойдаланиш, қўл меҳнати талаб этадиган жараёнларни механизациялаштириш лозим.

Бунёд этилаётган объектларнинг сифати ҳамон диққат марказимизда турибди. Биринчи галда объектнинг сифати қурувчиларнинг виждонан ҳалол меҳнатига боғлиқдир. Шунингдек, маҳсулот сифатини яхшилашда ўзининг афзал томонини кўрсатаётган маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини жорий этишга эътиборни қаратмоқ керак. Бош бошқарма қурилиш ташкилотларида бу системанинг биринчи босқичини жорий этиш ишлари тугалланди. Бугунги кунда иш сифати бўйича юксак кўрсаткичларга эришаётган 11-«Висотстрой» трести коллективи тажрибасидан бошқа қурилиш ташкилотлари ўрганса арзийди. Айниқса, кейинги йилларда 8-қурилиш трести ва Уй-жой қурилиш трести коллективлари объектларни паст баҳоларда фойдаланишга топширяптилар. Ўйлаймизки, бу коллективлар беш йилликнинг иккинчи йилида ўзларига тегишли хулоса чиқариб оладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съезди минбаридан туриб, Ҳисобот доклади қилар экан, «Янги беш йиллик қурувчилар учун жиддий имтиҳон бўлади» деб таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, ҳали олдимизда жуда улкан вазифалар турибди. Бу йил 275 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишимиз белгиланган. Жонажон пойтахтнинг 2 минг йиллиги шарафига кўплаб қ у р и л и ш объектларини фойдаланишга топширишимиз, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуришимиз керак. Шу боисдан 1982 йил учун ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятларимиз ҳар йилгидан ҳам салмоқлидир. Мамлакатимизнинг 60 йиллик тўйини қурилишда юксак натижалар билан кутиб олиш учун курашаётган тошкентлик бунёдкорлар социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтарган ҳолда зиммадаги вазифаларни ҳал этиш учун астойдил курашяптилар. Шуни ишонч билан айтамизки, бинокорларимиз беш йилликнинг иккинчи йилида ўз зиммаларидаги вазифаларини шараф билан адо этадилар ва бунёд этилаётган объектларни тез ва соз, замонавий техника асосида қуриб, фойдаланишга топширадилар.

Т. НАБИЕВ,
Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг бошлиғи.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЙЎЛЛАР ҚУРИЛМОҚДА

ВЬЕНТЬЯН. Лаос Халқ Демократик Республикасида Америка агрессияси вақтида вайрон бўлган йўлларни тиклаш ва янги йўлларни қуриш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Республика ташкил топган 1975 йилнинг декабрида ғоят заиф инфраструктурага эга эди. Бу эса мамлакатни иқтисодий ривожлантириш жараёнини жиддий равишда қийинлаштирарди. Урушдан кейинги даврнинг оғир шароитида асосий эътибор мамлакатни шимолдан жанубга кесиб ўтадиган ва ғоят муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган йўлларни реконструкция қилишга қаратилган эди. Ўтган йили лаослик мутахассислар Совет Иттифоқининг техникавий кўмагида ана шу йўлдаги 54 та кўприкни тикладилар. Бу эса 400 километрлик участкада автомобиль транспортининг мунтазам қатновини таъминлаш имконини берди.

Лаоснинг Меконг дарёсидаги Саваннакет даё портини Вьетнамнинг Дананг денгиз порти билан боғлайдиган йўл график асосида реконструкция қилинмоқда. Дананг денгиз порти орқали Лаосга социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидан юклар ташилмоқда.

1981 йилда йўл қурувчи ишчи ва инженерлардан катта бир группаси ишлаб чиқаришда эришган аъло кўрсаткичлари учун Лаос Халқ Демократик Республикасининг юксак ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Деҳлида совет фани ва маданияти Уйининг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу ерда виставкалар, концертлар уюштириш, кинофильмлар намойиш қилиш, рус тилини ўрганиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

СУРАТДА: Деҳлидаги совет фани ва маданияти Уйи.

ТАСС фотоси.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

БЕРЛИН. ГДР, қурилиш ташкилотлари олдида мураккаб вазифалар турибди. Бу вазифалар энг кўп иқтисодий самара берадиган индустриал методлардан кенг фойдаланиш йўли билан ҳал этилади.

Карл-Маркс — штадтдаги комбинат коллективи орттирган тажриба бу соҳада намуна бўлиши мумкин. Бу корхонада новатор ишчилар, инженерлар ва техникларнинг куч-ғайрати билан турли бинокорлик элементларини поток усулда ишлаб чиқариш ташкил этилган эди. Бунинг натижасида уй-жой биноларини ремонт қилиш таннархи 15 процентдан зиёд пасайди. Айни вақтда кўп миқдорда материал, хом ашё ва электр энергияси тежалди.

* * *

ЛОНДОН. Бултур Буюк Британияда кейинги 60 йил мобайнидаги ҳар қандай бошқа йилдагига нисбатан уй-жойлар кам қурилди.

Қарийб бир ярим мингта қурилиш фирмаси ва компаниялари инқирозга учради, ишсиз қурувчилар эса 400 минг кишига етди.

«Пана» кабинет атроф муҳит масалалари билан шуғулланувчи министр Д. Коуфмэн Англия парламенти лордлар палатасида нутқ сўзлаб бундай деди. «Ҳозирги вақтда уй-жой қурилиши соҳасида рўй бераётган воқеалар учун бутун жавобгарлик М. Тэтчер зиммасига тушади. Унинг «қаттиқ тежаш» сиёсати ана шундай натижаларга олиб келди».

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Андхра—Прадеш штатидаги Висакхапатнам портининг юк обороти, деб хабар беради ПТИ ахборот агентлиги, йилига 12 миллион тоннага етди. 30-йилларнинг бошларида ана шу порт орқали ҳар йили атиги 100 минг тонна юк ўтар эди.

Порт темир руда ташиш учун ихтисослаштирилмоқда. СССР кемалари ҳам бу ерга тез-тез келиб туради. Висакхапатнамда совет-ҳинд ҳамкорлигининг муҳим объекти бўлган давлат металлургия комбинати тез суръатлар билан қурилмоқда.

* * *

ЛАГОС. Нигерия пойтахти ёнидаги шаҳарчада янги замонавий уй-жой комплекси барпо этилди. Республика федерал молия министри В. Маси ана шу муносабат билан ўтказилган маросимда нутқ сўзлаб ҳукумат 4-миллий тараққиёт плани доирасида уй-жой қурилиши эҳтиёжлар учун 1,6 миллиард найр маблағ ажратганлигини айтди. Биринчи навбатда, деди у, квартиралар билан меҳнаткашлар таъминланади.

«МАЛЕВ» ҲАВО ЙЎЛИДА

БУДАПЕШТ. Венгриянинг «Малев» авиакомпанияси ҳаво лайнерлари 1981 йилда бир миллиондан ортиқ пассажир ташилди. Сўнгги беш йилда венгриялик авиаторлар маршрутларининг географияси анча кенгайди. Улар ҳозирги пайтда дунёдаги турли мамлакатларнинг 40 та шаҳрига мунтазам қатнаб турибди. Пассажир ташиш ҳажми икки баравар кўпайди. «Малев» авиакомпаниясининг самолётлари «Будапешт— Москва» дўстлик трассаси орқали мунтазам қатнаб турибди. Бу дўстлик трассаси совет ва венгер туристларига ғоят манзур бўлмоқда. «ТУ—154» совет лайнерлари Венгрия ҳаво флоти рейсларида қатнаб, пассажир ва юк ташиш топшириғини бажаришга кўмаклашмоқда.

Пассажирларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Будапештнинг «Ферехедь» халқаро аэропорти жадал суратда реконструкция қилинмоқда.

ЖИНОЯТЧИЛИК КУЧАЙМОҚДА

Хитойда янги полиция кучларини тузиш мўлжалланмоқда. Япониядаги Киодо Цусин агентлиги мухбирининг Пекиндан хабар қилишича, Хитой раҳбарларининг ҳозирча унчалак тарғиб қилинмаётган йўл-йўриғида айтилишича, бу кучлар «зўрайиб бораётган жиноятчиликни жиловлаши» лозимлиги айтилган. Маъмурларнинг бу чораси Хитойни ларзага келтираётган жиноятчилик баттар ўсиб кетганидан далолат беради. Жиноятчиликка қарши кураш масаласи ҳатто халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг сўнгги сессиясида муҳокама қилинган.

Синхуа агентлигининг далолат беришича, ҳозир ёшлар ўртасидаги жиноятчилик «маданий революция»дан олдинги йилларга нисбатан камида ўн баравар кўпайган. Матбуот қотилликлар, якка тарздаги ёки группа бўлиб ўғирлик қилинаётганлиги, темир йўлларда ва портларда безорилик қилаётган бандитларнинг шайкалари ҳақида хабар бермоқда. Тақиқланган моллар билан савдо қилиш, чайқовчилик, порахўрлик ҳаддан ташқари авж олиб кетган. «Женьминь жибао» газетасининг хабар қилишича, ўтган йилнинг бир ўзида Пекинда тақиқланган моллар билан савдо қилиш ҳоллари салкам 3,5 минг марта қайд этилган, қарийб 10 мингта йирик чайқовчилик найранги фош этилган. Хитойда чиқадиган бошқа бир газета — «Гуанмин жибао»нинг ёзишича, Пекиндаги иқтисодий жиноятлар бултур 1980 йилга нисбатан икки ҳисса ошди ва тобора кўпайиб бормоқда.

Пекиннинг расмий доиралари мамлакатдаги жиноятчилик кучайишига «маданий революциянинг ҳалокатли таъсири» асосий сабаб бўлди, деб ҳисобламоқдалар. Ўша даврлардаги зўравонлик одамларнинг онги ва хулқида чуқур из қолдирганлиги тўғри. Бироқ, кейинги йилларда жиноятчиликнинг кескин кучайганлиги сабабларини ўтмишдан қидирмаслик керак. Ишсизлик кучайиб бораётганлиги мана шу сабабларнинг биридир. Хитойда миллион-миллион кишилар, аввало мактабни тамомлаганидан кейин ўқишни давом эттириш ёки ишга ўрнашиш иложини тополмаётган ёшлар ҳар йили «ортиқча кишилар» армиясига қўшилмоқдалар.

Орзу-у м и д л а р ушалмаганлиги, маънавий жиҳатдан пучлик ҳозирги Хитой ёшларига хос хусусият бўлиб қолдики, бу ҳам жиноятчиликнинг муҳим сабабидир. Хитой матбуотининг эътироф қилиб ёзишича, кетма-кет ўтказилаётган тозалашлар ва Пекин раҳбарларининг сиёсий беқарорлиги оқибатида ёшларнинг умидсизлик кайфияти кучайди.

Ниҳоят, буржуа идеологиясининг чиркин таъсири ҳам жиноятчиликнинг кучайишига олиб бормоқда. Хитой экономикасида хусусий сектор қайтадан тикланаётганлиги ва ажнабий капитал экономикага тобора кенг миқёсда кириб келаётганлиги кўп жиҳатдан бунга шароит яратмоқда. Барпо этилаётган «махсус иқтисодий зоналари» Хитой диёридаги чинакам «капитализм қўриқхоналари»дир. Англияда чиқадиган «Дейли телеграф» газетасининг далолат беришича, Жанубий Хитойдаги энг катта шаҳар— Гуанчжоу социал ва иқтисодий жиҳатдан қўшни инглиз мустамлакаси— Гонконга тобора кўпроқ ўхшаб бормоқда.

Жиноятчилик ҳозирги Хитойни ўз гирдобига олган аянчли бало бўлиб қолди. Бу ҳам Пекиндаги ҳукмрон юқори тўданинг социализмга зид сиёсати натижаларидан биридир.

(ТАСС).

ГДР. Республикада ёғочдан турли ҳажмда шахмат доналари тайёрлайдиган ягона корхона маҳсулотлари чет эл буюртмачиларига кўплаб жўнатиб турилади.

СУРАТДА: фабрика ишчиси Моника Хенгст шахмат доналарини бўяшга тайёрлаяпти.

АДН—ТАСС фотоси.

ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН КУРАШ

УЛАН-БАТОР. Хом ашё ва материаллар тежамкорлиги учун кураш 1982 йил план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун Монголияда авж олдириб юборилган социалистик мусобақанинг муҳим қисми бўлди. МХРПнинг яқинда бўлиб ўтган съезди қарорлари мамлакат меҳнаткашларини ишлаб чиқариш резервларини қидириб топишга, моддий ресурслардан энг кўп даражада фойдаланишга сафарбар этмоқда.

Монголия Халқ Республикаси ялпи саноат маҳсулотининг қарийб ярмини ишлаб чиқараётган Монголия пойтахти меҳнат коллективлари ишнинг кўзини билиб хўжалик юритиш намунасини кўрсатмоқдалар. Партия, касаба союз ва ревсомол ташкилотлари «Сифатли— демак тежамли!» шиори остида ишлаётган илғор корхоналарнинг тажрибасини актив пропаганда қилмоқдалар, ёқилғи, ёнилғи-мойлаш материалларини иқтисод қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина пойтахт транспортчилари юз минг тугриклик ёқилғи иқтисод қилдилар.

Монголия саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнат коллективлари тежамкорлик учун кураш ҳаракатига жалб этилган. Бу курашда рационализаторлар ва ихтирочиларнинг ижодий фаолиятига муҳим ўрин берилмоқда.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тикувчи-мотористкаси Дилбар Тўлагановани кўриб турибсиз. Бу пешқадам ишчи смена топшириқларини доимо 120—130 процентга етказиб адо этиш билан бирга сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Яхшидан боғ қолади

ЯШИЛ БОЙЛИК — ШАҲАР КЎРКИ

Сўнгги йилларда районимизнинг яшил қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Йил сайин янгидан-янги микрохиёбонлар барпо этилмоқда. Биргина ўтган йилда 3,9 гектарни ташкил қилган 7 та микрохиёбон вужудга келтирилди ва бу хиёбонларга 220 минг туп гул кўчатлари ўтқазилди. Бундан ташқари районимиз территориясидаги кўчаларга, маданият ва истироҳат боғларига, хиёбонларга 165 минг туп дарахт ва яшил бута ниҳоллари ўтқазилди.

Кейинги вақтда ёш ниҳолларни нобуд этиш, дарахтлар шохини синдириб кетиш, гулларни пайҳон қилиш ҳоллари кескин камайган, чунки районимиз 25 та микроучасткага бўлинган ва ҳар бир участка ишлаб чиқариш корхоналарига, ташкилотларига, ўрта ва олий ўқув юртларига бириктириб қўйилган. Тошкент тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш» заводи, қурилиш материаллари комбинати, Тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Совет савдо техникуми коллективлари оталиғидаги участкаларда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари тўғри йўлга қўйилган. Бугунги кунда улар оталиғидаги Ш. Руставели ва Б. Хмельницкий кўчаларида сайр этган кишининг баҳри-дили очилади.

Районимиз территориясида Киров номидаги маданият ва истироҳат боғи ва В. И. Ленин номидаги болалар боғи жойлашган. Бу боғларни ҳақли равишда меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқариш маскани деймиз. Айниқса, Киров боғи ўзининг 500 йиллик қадимий чинорлари билан машҳурдир. Улкан ва салобатли бу дарахтлар боғимизнинг кўрки бўлиб келмоқда. Қадимий дарахтлар кўз қорачиғидай асралади.

Бундан ташқари кўчалар, хиёбонларга йилнинг тўрт фаслида ҳам ям-яшил яшнаб турадиган арча ниҳолларини ўтказиш чораларини кўрмоқдамиз. Бундан бир неча йил муқаддам Тўқимачилар маданияти саройи қаршисидаги хиёбонга ва Б. Хмельницкий кўчаси бўйлаб арча ниҳоллари ўтқазган эдик, натижаси жуда аъло бўлди. Б. Хмельницкий кўчаси шаҳримиздаги энг чиройли кўчалардан бирига айланди. Бу ерда кишин ёзин яшиллик аримайди.

Ободончилардан Т. Исмоилов, Р. Муслимова, З. Ячкурова, И. Икромова, Н. Толипова, Т. Богомолова, М. Муҳамедов ва бошқалар дарахт ва гулзорларга агротехник ишлов бериш билангина чекланиб қолмасдан, доимо изланишда бўлиб, ҳар бир дарахт ва гул кўчатини, атроф-муҳитни ҳисобга олган ҳолда ўтказишади ва ажойиб манзара яратишади. Бунга мисол қилиб Тўқимачилар маданият саройи хиёбонини, В И. Ленин номидаги болалар боғини, Қардошлик мозорини кўрсатишимиз мумкин.

Бу йил баҳорда кўча ва хиёбонларга яна 69 минг туп дарахт ва манзарали бута кўчатлари ҳамда Ўзбекистон, Ш. Руставели, Б. Хмельницкий, Муқимий кўчаларига ва Тўқимачилар маданият саройи хиёбонига 20 минг туп гул кўчати ўтқазишни планлаштириб қўйганмиз. Шунинг билан бирга иккита микрохиёбон барпо қиламиз. Бу хиёбонларнинг бири, эски Туркман бозори ўрнида, иккинчиси Салор канали соҳилида, Бошлиқ кўчаси ва унинг тупиклари ўрнида бунёд этилади. Ҳозир бу майдонларда тозалаш, текислаш ишлари олиб борилмоқда.

Аммо ишимизга жиддий халақит бераётган нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Бундан икки йил муқаддам шаҳар кўчма станцияси хизматчилари Соломатин кўчасида кабель ётқизиш ишларини олиб боришганди. Уларнинг эҳтиётсизлиги туфайли 90 туп дарахтга зиён етди ва биз бундан 2700 сўм зарар кўрдик. Ўтган йили ихтисослашган монтаж бошқармасининг ишчилари Ш. Руставели кўчасидаги йўлкаларни кавлаб, телефон кабелини ётқизишганди. Уларнинг бепарволиги сабабли кўча четидаги чимзорлар бузиб юборилди. Бундан 8 минг сўм зиён етказилди.

Районимиз аҳолиси ҳар бир ниҳолни парваришлаб ўстиришади. Бўш ётган бир қарич ерга ҳам ҳавас билан гул ўтқазишади. Юқоридаги ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари булардан ўрнак олса яхши бўларди. Қуёш нурида яшнаб, кўзни қувонтираётган ҳар бир туп ниҳол ва ҳар бир туп гул парваришига қанча-қанча меҳнат сарфланган. Буни тушунмоқ, англамоқ керак. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз, бир дарахт кессанг — ўн дарахт эк, дейишади.

Ҳа, яшил бойликни кўпайтириш бугунги кунда ҳар бир кишининг муқаддас иши бўлмоғи лозим.

А. СОДИҚОВ,
Фрунзе район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ИМКОНИЯТЛАР ЖУДА КАТТА

Устюртда дон, сабзавот ва озуқабоп экинлар етиштириладиган катта майдонлар бор. Республика Фанлар академияси тупроқшунослик ва агрохимия институтининг олимлари мана шундай хулоса чиқаришди. Улар шу майдоннинг тупроқ харитасини тузиб чиқдилар. Мана шу даштлар ўзлаштирилганидан кейин чорвачилик учун жуда катта имкониятлар вужудга келади. Олимларнинг иши Устюртда ташкил этиладиган биринчи экспериментал қўйчилик хўжалиги лойиҳасини тузишга киришиш имконини берди.

(ЎзТАГ).

ДИПЛОМ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Самарқанд архитектура-қурилиш институтини битириб чиқувчи И. Постниковга СССР Архитекторлар союзининг биринчи даражали дипломи топширилди. Қадимий меъморлик ёдгорликлари Гўри Амир ва Руҳобод мақбараларини боғлайдиган долоннинг у ишлаб чиққан лойиҳаси Бутуниттифоқ конкурсида энг яхши лойиҳа деб топилди. Мутахассисларнинг фикрича, дипломант ўн бешинчи аср тарихий муҳитини Самарқанддаги замонавий қурилишлар билан уйғунлаштирган ҳолда қайтадан тузишдек мураккаб вазифани ниҳоятда оригинал усулда ҳал қилишга эришган. **(ЎзТАГ).**

БАРКАМОЛЛИККА ЭРИШГАН ОДАМ БАРЧА ЖОНЗОТЛАРДАН ЮҚОРИ ТУРАДИ: АММО АГАР У ҚОНУНЛАР ВА АДОЛАТГА БЎЙСУНМАЙ ЯШАСА, ҲАММАСИДАН ТУБАНДИР. ДАРҲАҚИҚАТ, АДОЛАТСИЗЛИКНИ ҚУРОЛ ҚИЛИБ ОЛИШДАН КЎРА ҲАМ ДАҲШАТЛИРОҚ НАРСА ЙЎҚ.

АРАСТУ.

Одоб-ахлоқ ҳақида оқшом суҳбатлари

№ 32

Оила даврасида

ИККИ МУРАББИЙ

Керак бўлса обрў оламда,
Яхши ахлоқ бўлсин одамда.
Жалолиддин РУМИЙ.

Ҳар бир ота-она ўз жигарбандининг ахлоқли, бахтли, олижаноб инсон бўлиб етишишини орзу қилади. Чиройли, маънодор исмлар қўяди. Фарзанд камолга ета борган сари ширин хаёллар оғушида бўлади.

Қиз ёки ўғлини мукаммал камолат эгаси қилиб етказиш учун биргина яхши исмлар, яхши тилакларнинггина ўзи кифоя эмас ёки оталик ва оналик меҳри билан севишгина етишмайди. Балки унинг тили чиқиб, гап тушунадиган бўлиб қолганидан бошлаб тарбиянинг барча принципларига амал қилиш зарур. Меҳнат қилишни ўргатиш, суягини кичиклигидан пишитиб бориб, меҳнатдан бош товламайдиган қилиб ўстириш лозим. Акс ҳолда қиз бўлса «оқ билак», ўғил бўлса «қуруқ олифта» бўлиб катта бўлиши мумкин. Бу масаланинг бир томони. Албатта, тарбия деганда меҳнат, одоб, инсонийлик, каттага иззат ва ҳурмат, кичикка шафқатли бўлишлик, онглилик, Ватанга садоқат каби жуда кўп яхши фазилатлар тушунилади.

Оилада қиз бола тарбияси жуда нозик. Бунинг масъулияти кўпроқ она зиммасига тушади. Чунки қиз бола билан она ўртасидаги сирдошлик, яқинлик яхши хосият келтиради. Қиз болада пайдо бўлаётган хусусиятларни ота-она, ўқитувчи, мактаб жамоатчилиги такомиллаштиради. Шунинг учун қиз болани тарбиялаш борасида она билан устоз — ўқитувчи ўртасида узвий боғланиш бўлиши шарт. Агар қиз онадан, ўқитувчидан чўчиса, юрагида борини айтишдан қўрқса, содир этган айрим гуноҳларини яширса бора-бора қиздаги хусусиятлар турли кўнгилсизликлар туғдириши мумкин. Она билан ўқитувчи ҳамкорликда қизга тўғри ёндошишни, унинг қалбига йўл топиши ўринлидир.

Дўқ-пўписа ўрнига ўзининг ҳаёт лавҳалари, турмуш кечинмалари, ёшлигини оқилона баён этиб насиҳатлар қилинса, она ва тарбиячи мақсадга яқинлашади, аста-секин бунга эришади ҳам.

Қизнинг қалбига дағаллик, чидамсизлик, кўнгилсизликни эмас, бардошли бўлишдек яхши хулқ-атворни сингдириш қизга бахт бериш демакдир.

Тавозе ва назокатлилик қиз боланинг ҳусни ва бахтидир. Тўрт товушдан иборат бўлган «одоб» сўзининг луғавий маъноси бениҳоя кенг. Алишер Навоий ўзгани улуғлаб, сидқидилдан тавозе билдиришни ерга экилган жавоҳир донаси (уруғ)га қиёсласалар, унга жавобан берилган таъзимни ердан олинган ҳосилга ўхшатадилар.

Оилада ўғил боланинг туғилиши ота-онага туганмас қувонч, шодлик, бахт келтиради. Унинг улғайиши билан табиат онага чексиз ишонч, таянчдек умид беради. Қариган чоғимда ўғлим йўлимни нур бўлиб ёритади, кўнглимни гул каби яшнатади деб ихлос билан ўғлонини ардоқлайди. Ўғлини ростгўй, софдил, ҳалол, ориятли қилиб етказишдай улуғ орзу-умид билан яшайди. Она ундаги ҳар бир пайдо бўлган яхши-ёмон хислатларга жиддий эътибор берса яхши. Аксинча менинг фарзандим ўзгаларнинг ўғлонидан аъло деб баҳоласа, боладаги кўполликни йигитлик ғурурига йўйса, ўғилларининг дилозорлик, кеккайиш, қўполлик каби беъмани хусусиятларига йўл очади. Мана бундай хусусият билан камолга етган йигит одоб даргоҳига қадам боса олмай қолиши мумкин. Бундай ўғил тавозелик, одамийлик, мулойимлик хусусиятига эга бўлган ўртоқларини менсимаслиги, уларни лаганбардор ва баъзан қўрқоқ деб баҳолаши ҳам мумкин. Одамийлик доирасига ёндошмаган, паст-баландни билмаган йигит билан суҳбатлашсангиз дилингиз сиёҳ бўлади. У сизнинг берган саволларингизга кўпинча дағал, тунд башара билан «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беради. «Лаббай» деб жавоб беришни ўзига муносиб кўрмайди. Шунда унинг қиёфасига қараб юрагингиз зил кетса, жавобидан нафратланасиз.

Баъзан балоғат остонасига қадам босаётган йигит дағаллик ва қўполликни ўзи учун ғурур деб биладиганлар ҳам бор. Бу эса, зарарли хусусият бўлиб, кўпинча кўнгилсиз ҳодисаларнинг содир бўлишига сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам ота-она билан мактаб ёшлардаги бундай ярамас кайфиятларга бефарқ қараши мумкин эмас. Гулни кўкатдан, мевани қуртдан асрай олган кишигина гўзал гулзор, серҳосил мевазор ярата олганидек, йигит ва қиздаги мана шундай ярамас хусусиятларни йўқотиб, уни ҳаёт сўқмоқларидан бехатар истиқбол соҳилига етаклай олган ота-онагина чинакам устоз бўла олиши мумкин.

Ўз фарзандларига тўғри тарбия, одоб-ахлоқ берган ва уларга ўқув ишларида доимо ғамхўрлик қилиб, уларнинг келажакда яхши инсон бўлиб етишишида заҳмат чекиб келаётган она-оналардан кўплаб мисол келтириш мумкин. Шулар жумласидан. Тошкент шаҳридаги 20-мактабда таълим олаётган Эътибор Тўлаганова, Гўзал Баҳромова, Дилдора Азимова, Фотима Тошмуҳамедова, Феруза Аҳророва, Нодира Зоҳидова каби ўқувчиларнинг ота-оналарини кўрсатиш мумкин.

Ўғлим одобли, қизим иффатли бўлсин деб, уларга нисбатан доимо юмшоқлик билан муносабатда бўлиш ҳам тарбиявий жиҳатдан ноўрин бўлур. Ўрни билан ота-она биргаликда қаттиққўл ва талабчан бўлиши даркор. Ота-она ҳузурида фарзанд назокатли бўлиши керак.

Она фарзанд айбини отадан ҳеч қачон яшириши керак эмас. Бунинг ўрнига она фарзанд ҳузурида отанинг обрўсини, ота эса онанинг обрўсини сақлаши лозим.

Ж. ИСМОИЛОВ,
педагог.

«ИНСОН—ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг бош редактори, ёзувчи Нурали ҚОБУЛ жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?

2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?

3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.

4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?

5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?

6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

1. Инсонийлик деганда биз одатда бировлар учун жонини жабборга берадиган, одамларни бутун вужуди билан севадиган, бошига кўтарадиган, ўзгаларга на тил, ва яна яроғ билан озор берадиган кишиларни кўз олдимизга келтирамиз. Ҳаётни севиш — ҳақиқатни севишдир. (Кант). Инсонийлик шу икки юксак эътиқоднинг туташган жойидан бошланади. Ҳақиқий инсоний фазилатларга эга бўлиш кишидан жуда кўп нарсаларни талаб қилади. Инсоннинг ҳаётлигидаги баҳолар айрим ҳолларда нисбий ва бир томонлама бўлиб чиқади. Улуғлар орамиздан кетганидан сўнг, яна бир неча баробар улуғлашиб кетади. Биз эса ўз вақтида уларнинг қадрига етмаганимиздан шикоят қилиб юраверамиз. Буюкликка энг яқини ҳалолликдир (Гюго), деганларидек, балки ҳақиқий инсонийлик буюкликнинг бориб турган ўзидир.

Қуйида оддий инсон, инсон бўла билиш ва бу юксак номга доғ туширмаслик ҳақида бир мисол келтириб, фикр юритмоқчиман. Бу тўғрида мисолларим жуда кўп. Бироқ «Литературная газета»да ёзувчиларнинг «генерали» Чингиз Айтматовнинг «Дефицит человечности» сарлавҳали мақоласи боис шу мисолни танладим. Ҳалол яшаганингни сезиб турсанг, ҳаёт нашъали ва осон туюлади. Ялтадаги санаторийлардан бирида «Массажистка» деб ёзилган эшик олдида ўн чоғли даволанувчи навбат кутишарди. Илгари катта лавозимларда ишлаб, урилиб-сурилиб, русча термин билан айтганда «мягкий посадка»дан сўнг совхоз директори бўлиб ишлаётган киши доимо, қарийб бир соат массаж (олатда 10-15 минут) қабул қилади. Ҳеч ким унинг юзига бирор нима демасди. (Биз жуда кўп нотўғри ишларни кўриб кўрмасликка оладиган бўлиб қоляпмиз). Тоқати тоқ бўлиб, ҳамшира таклиф этмасданоқ эшикдан кирган одам унинг ёстиқ тагидан янги йигирма бешталикни олаётганини кўриб қотиб қолди. «Қандай ажойиб одам-а Фалончи Тугунчаевич» деди у кирган одамга парво ҳам қилмасдан. Бу шу кирган кишига шаъма эди.

У яна массаж қилиш учун бориб қўлини ювиб келди. Қўли тоза бўлди. Лекин виждони-чи? Қон гупуриб турган юраги-чи? Қалбида қаватлашиб бораётган бу кирни ким ювади? Энг фожиалиси, бу кир ҳаётининг сўнггигача ювилмайди-ку! Даволаниб кетайин деб не-не машаққатлар билан путёвка топиб, олис ерлардан келган инсонларни оёқ ости қилган, имонини сотган директор бу пулни қаердан олган? Массаж учун йигирма беш сўм берган одам бошқа жойларда нима қилар экан?

Бир-бирларининг назарида бу икки киши инсонийликнинг олий нуқтасидаги одамлар... Юқоридаги икки нусхага ўхшаган тоифадаги шундай одамлар пайдо бўляптики, ўзларига ўхшаб «бордикелдини» тушунмасангиз сизни одам санашмайди. Ҳатто устингиздан кулишади. Камтар, камсуқум одамларнинг устидан ҳам кулишадиган бўлишяпти... Бундайларнинг ахлоқи бошқаларга, айниқса ёшларга таъсир этиши шубҳасиз. Бунга қарши ҳаммамиз ва барча воситаларни ишга солиб, қатъий курашмоғимиз керак. Акс ҳолда бундай иллатлар кенг томир отиб кетгандан сўнг курашиш мушкул бўлиб қолади.

2. Ўзаро суҳбатларда беҳосдан «фалончи яхши», «тугунчи ёмон» дея ҳукм чиқариб юборамиз. Кўп ҳолларда ҳукмимиз бир томонлама бўлиб чиқади. Ўша кишини тутиб келиб «хўш, ёмонлигини исботлаб берчи?» дейишса тилимиз калимага келмай қолади. Кимларнидир яхши одам деганимизда айрим ҳолларда масалага унинг шахсан ўзимизга кўрсатган «кароматидан» келиб чиқиб ёндошган бўламиз. Бу одам бизга бировлар ҳақига хиёнат қилиб яхшилик қилгани учун (у бу яхшиликларнинг қачондир сиздан қайтишини кутиб яшайди) уни яхши, саховатли одам деймиз! Яхшиликнинг хоинликка яқин бу формаси кимга керак? Ҳақиқий кўмакка, қўллаб-қувватлашга муҳтож, қўли калта одамларга ёрдам бериш бундайлар учун иккинчи даражали ишдир. Бу форма жамият нормалари, оддий инсоний муносабатлар, одам бино бўлгандан бери амал қилиниб келинаётган табиат ва ҳаёт қонунлари асосида яшай олмайдиган нопок инсонларга керак!

Ён дафтаримга «У академик бўлиши мумкин, лекин энг аҳмоқ академик бўлади» деб ёзиб қўйган эканман. Ваҳоланки номи улуғ, супраси қуруқ бундай (улар озчиллик бўлса ҳам) кишиларнинг омма орасидаги ролини инкор этиб бўлмайди. Тирикчилиги ўтиши учун кандидатлик диссертациясини ёқлаган кишини узоқ тоғ қишлоғига олиб бориб «Олим!» десангиз бечора чўпоннинг ҳайратдан оғзи очилиб қолади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ нуқсонлар— дейлик қолоқ бригада бошлиғини, ношуд чўпонни, малакасиз механизаторни кетириш ва ишини ўнглаб юбориш мумкин. Бироқ жамият, давлат, партия минг бир ишонч ва умид билан топширган ёки сайлаб қўйган юксак вазифани суиистеъмол қилган, шундай лавозимларга етиш учун бор будини тўкиб, бутун воситаларни ишга соладиган ва уларга ҳомийлик қиладиганларни, кўпчилик юзига оёқ қўядиганларни асло-асло кечирмаслик керак. Бундайлар жамият ва инсониятнинг ривожига тўсқинлик қилади. Оддий, ҳалол ва меҳнаткаш кишилар нонини яримта қилиб, улар онгида жамиятимиз, партиямиз ва давлатимиз сиёсати тўғрисида нотўғри фикр уйғонишига сабаб бўладилар. Ғишт доимо қолипга яраша бўлганидек, бундайлар қилмишларини вақтинча яшириб яшасаларда, ҳеч қачон халқ ва табиат жазосидан қочиб қутула олмайдилар.

Яна бир нарсани таъкидлашни истардим. Гоҳида айрим кишилардан «магазинда у йўқ, бу йўқ» деган гапларни эшитиб қоламиз. Тўғри, кишининг нормал яшаши учун лозим бўлган энг муҳим нарсалар магазинда бўлиши керак. Бизда ҳамма нарса бор. Фақат уни тўғри планлаштириб, тақсимлаб, шу соҳа билан шуғулланувчи ташкилотларда раҳбарликни ва интизомни яхши йўлга қўйиш учун жуда жиддий, керак бўлса СССР қонунлари талаб қилган даражада қаттиқ жазолаб бўлса-да яхшилаш керак. Бироқ биз иқтисодий эҳтиёжимизни ўйлаб, маънавий эҳтиёжни унутмаслигимиз керак. Чуқур ўйлаб қаралса, эътиқод деган энг юксак умуминсоний туйғу ҳам ана шунга бориб тақалади. Шу нарсани баралла айтиш мумкинки, иқтисодий эҳтиёжни биринчи планга қўйган кишидан ҳеч қачон ва ҳеч нимани кутмасаям бўлаверади. Бундай кишиларда табиий равишда мияга нисбатан ошқозон ривожланган бўлади.

3. Бахтни тўла-тўкис тасаввур этадиган одамлар умрларининг сўнгги дақиқаларигача нимагадир ташна яшаганлар. Бу— ўзи қилган меҳнатдан борлиқ ва одамларга қилган яхшиликларидан қониқмаслик туйғусидир. Бахт ҳам ана шулар билан параллел юради. Бировлар бахтидан боши осмонга етадиган одам-чинакам бахтиёр одамдир. Ҳайриҳоҳлик, ҳар бир нарсани яхшилик томонга буриш, одамларни яхши кўриш— кишига муҳдом бахт келтиргуси. Биз қанчалик бахтиёр бўлиш учун курашмайлик, табиатнинг, ҳаётнинг бизга бўйсунмас томонларини ҳисобга олиб, тан бермасликка иложимиз йўқ. Ҳар қандай инсоний бахтнинг ортида инсоний бахтсизлик ҳам туради...

4. Эътиқод— инсонликнинг бош ва асосий шартидир. Белинский «Эътиқод ўзимизники бўлгани учун эмас, балки ҳаққонийлиги учун қимматлидир», деганда инсон эсини таниганидан бери интилиб келадиган, ҳаётнинг сўнгги дақиқаларига қадар курашадиган, эришадиган, барчага баробар ҳаёт тарзи ва ҳақиқатини кўзла тутган эди. Ҳовлиқма асримизда фан-техниканинг кескин ривожи ва цивилизация ер, табиат ва шу кабилар қатори ёшлар тарбияси ва эътиқодини шакллантиришда жиддий проблемаларни кўндаланг қилиб қўйяпти. Мактабгача, бошланғич, ўрта ва олий таълим системаларида ўқув-тарбия масалаларини қайта кўриб чиқиб, самарали тадбирлар (фақат программаларни янгилайверишни кўзда тутаётганим йўқ) белгилаш керак деб ўйлайман. Айниқса, бу борада ўқитувчилар малакасини такомиллаштириш — ёшларга илм билан биргаликда тарбия, одамгарчилик, ерга ва инсонга меҳр-муҳаббат туйғуларини, ота-боболаримиз қон ва жонларини тиккан юксак эътиқодларни улар қалбига сингдира олмайдиган ўқитувчилардан бошқа мақсадларда (қобилиятига яраша иш билан таъминлаш кўзда тутилади) фойдаланиш керак.

5. Оиланинг умумий аҳволи ва фарзандларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан хабардор бўла билиш билан биргаликда, улар мулоқот қиладиган, ўқийдиган кишиларни — хуллас улар атрофидаги муҳитни назардан қочирмаслик керак. Сабаб ҳар қандай мукаммалликка интилган одамни ҳам нопоклар ўраб олганда, у нопок бўлиб қолмасада, ундаги ижобий хислатлар хиралашиб қолади. Натижада кишилар ундаги яхши томонлардан ҳам юз ўгирадилар. Оила ва фарзандларга нисбатан ғоят самимий бўлишнинг ҳам чегараси бўлиши керак. Кўп ҳолларда самимийлик, беозорлик ва қалби очиқлик (айниқса шаҳар шароитида ва ижодкорларда) ноҳушликларга ҳам олиб келади. Энг яхшиси аввал талабчан, сўнгра принципиал ва самимий бўлиш керак деб ўйлайман.

6. Хаёл сураман, ўзим меҳр қўйган (хоҳ ҳаёт, хоҳ ноҳаёт) кишилар ҳақида ўйлайман. Болалар билан ўйнайман. Классиклар асарларини мутолаа қиламан. Имконини топсам, она қишлоғим Бахмалга бориб келаман. Албатта, Ойқор тоғига узоқ тикилиб ётаман. Тоғ этакларини тўйиб-тўйиб кезаман. Қишлоқдошларимнинг яхши кунлари билан табриклаб, ёмон кунларида кўнгил сўрашга ҳаракат қиламан, кексалар билан гурунглашаман. Она Ойқор тоғим, она қишлоғим, унинг уйига ўғри келса ҳам «келинг бўтам, бир пиёла чой ичинг» дегувчи кишилари ва ана шулар шаклидаги она Ўзбекистонимни кўз олдимга келтириб энтикиб кетаман....

Ишхона— иккинчи уйимиз

ҲАМДАРД БЎЛИНГ

Ўттиз-қирқ йил меҳнат қилиб, пенсия ёшига етгач, қарилик гаштини сурганга не етсин! Ҳа, юрт қатори ишлаган киши қариган чоғида моддий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Кексайган киши кўп йиллик меҳнати қадрланишини билади. Чунки унга давлат томонидан пенсия белгиланади.

Сизни иззат-икром билан ишхонангиздан кузатиб қўйишгач, орадан икки-уч кун ўтказиб, район социал таъминот бўлимига, яъни райсобесга борасиз. У ердагилар сизни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, қўлингиздаги ҳужжатларни текширгач, олиб қолишади. «Фалончи куни келсангиз ҳаммаси жойида бўлади», дейишади. Сизни қутлуғ ёшга тўлганингиз билан табриклашни ҳам унутишмайди.

Шаҳримиздаги кўпчилик райсобесларнинг ходимлари эл хизматини қойил қилиб қўйган отахону-онахонларга шундай муносабатда бўлишмоқда. Чунки ана шу райсобесларнинг ходимлари ўз ишхоналари кишиларга хизмат кўрсатадиган давлат муассасаси эканини, кишиларнинг ҳожатини чиқаришларига қараб ишчанликларига баҳо берилишини яхши билишади. Лекин.... Афсус.

«Мен шунча йил меҳнат қилиб, шунча ёшга кириб бировларга шунчалик ялинмаган, бировларнинг устидан шикоят ёзмаган эдим. Бугун сизларга мурожаат этишдан бошқа чора қолмади. Ўз ҳаққимни талаб этишим мумкиндир ахир! Пенсияни кимдан талаб қилишни билолмай қолдим».— Редакцияга Ҳамза районидаги Ховост кўчасида истиқомат қилувчи М. Содиқовдан келган хат шундай бошланади. Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги пайтда шу мазмундаги хатлар редакцияга тез-тез келяпти. Уларни Улуғ Ватан уруши жангларида мардона курашган, 30-40 йил ҳалол меҳнат қилган табаррук кексалар қандайдир тортинчоқлик билан ёзишган. Уларни нималар ранжитяпти, деган саволга жавоб топиш учун юқоридаги мактубнинг давомини ўқиймиз.

«Мен пенсионер бўлсам ҳам Тошкент ёғмой комбинатида ишлардим. Пенсияни ҳам ўша ердан олардим. Ўтган йилнинг октябрь ойида ишдан бўшаб, тегишли ҳужжатларни Ҳамза район социал таъминот бўлимига келтириб бердим. Энди пенсиямни уй адресим бўйича — 74-почтадан олишимни айтишди. Мана орадан уч ой ўтди ҳамки, пенсиядан дарак йўқ. Райсобесга бир неча марта бордим. Катта инспекторнинг айтишича, райсобес бошлиғи бош идорага борганмишлар, менинг ишим ҳал бўлганмиш. Мен инспекторнинг гапига ишонаман, лекин пенсиядан дарак бўлмаётганига безовтаман»...

Мактубнинг мазмунига эътибор беринг. Райсобес инспектори икки оғиз ширин сўз билан ўзига мурожаат қилган кишининг ишончини қозонган. Афсуски, бу ширин сўздан М. Содиқовга ҳеч қандай наф бўлмаган. У инспекторнинг олдидан ҳар гал ишонч билан чиқиб кетса-да, тўрт ойдан бери «тиқ» этса эшикка чиқиб пенсия кутаяпти. Социал таъминот ходимлари кишилар ишончини чиндан ҳам оқлашаяптими? Биз ушбу саволга жавоб олиш мақсадида дастлаб Ҳамза район социал таъминот бўлимида бўлдик.

Бўлимда бизни ҳам хушмуомалалик билан кутиб олишди. М. Содиқовнинг иши билан ким шуғулланганлигини сўрадик.

— У киши менинг олдимга уч-тўрт марта келганлар. Нима, ҳали ҳам пенсияларини олмабдиларми?— саволимизга савол билан жавоб берди катта инспектор Дилбар Шоева.

— Йўқ.

Ҳужжатларни шахсан расмийлаштирган инспектор В. А. Ковалёва суҳбатга аралашди. Унинг айтишича, М. Содиқовнинг ҳужжатларини 1981 йил 12 ноябрда пенсия ва нафақаларни белгилаш ҳамда ёзиб бериш шаҳар марказига юборган. У ердан 22 декабрда ижобий жавоб келган. (Жавобнинг 40 кунда келганини қаранг-а!?)

— М. Содиқов алоқа бўлимига бориб пенсиясини олиши керак эди, —дейишди В. А. Ковалёва билан Д. Шоева бир овоздан.

—Наҳотки, қайси алоқа бўлимидан олиши керак ?— сўрадик қизиқиб.

— Ўша, ўзи яшайдиган жойдаги хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимидан-да...

— Ахир у пенсия келмаётганлиги ҳақида арз қилиб, ҳузурингизга бир неча марта келганида нега шундай демадингиз?

— Пенсия келмаган бўлса, бизда айб йўқ. «Марказ» дагилар ҳамиша шунақа қилишади, — деб бирдан айбни ўзларидан соқит этишди райсобес ходимлари.

«Ҳужжатларни юқори идорага юбордикми, юбордик! У ердан керакли қоғозни олдикми! Олдик! Кишиларни ширин сўз билан кутиб оляпмизми, кутиб оляпмиз! Яхши гап билан кузатиб қўйяпмизми, кузатиб қўйяпмиз!» — бизнинг назаримизда райсобес ходимлари шундай фикр юритишади. Бу ишчанлик эмас, балки ўтакетган расмиятчилик эмасми? Акс ҳолда улар тайёрлаган ҳужжатларнинг ижроси билан қизиққан бўлишарди. Кекса одам биринчи марта арз қилиб келгандаёқ ўша ўзлари айтган «марказ»га қўнғироқ қилиб, пенсия кечикишининг сабабини аниқлашган бўлар эди.

Энди гапни яна «марказ»дан эшитинг.

— Битта справка етишмайди, — деди бу ердаги катта инспектор Ольга Федоровна Харламбитус.

Биз унга ярим соат олдин райсобесда бўлганимизни, райсобеснинг 7349-номерли сўров извещениесига бу ердан 40 кунда жавоб юборилганини эслатдик. У ҳайрон бўлди. Кейин райсобесдагиларни айблади. Улар керакли ҳужжатларни тўлиқ етказиб беришмас эмиш. Яна қандайдир қоғоз керак бўлганмиш.

Икки идора ходимлари ўртасидаги сансалорлик оқибатида бутун куч-қувватини эл хизматига бағишлаган кишилар уч-тўрт ойлаб пенсия олишолмайди. Хизмат бурчини масъулиятсизлик билан бажариш, ўз ҳузурига мадад сўраб келган кексаларга пенсияни худди ўз ёнидан бераётгандек гердайиш, такаббурлик билан сохта «ширин» муомала қилиш ҳоллари содир бўлаётгани ачинарлидир.

Социал таъминот ходимлари жуда масъулиятли вазифани бажараётганликларини унутмасликлари керак. Улар пенсионерларнинг ҳам оилалари борлигини, айримлари ёлғиз яшашларини, ҳамманинг ўзига яраша харажати борлигини ҳисобга олишлари даркор. Ҳар ким ўзидан қиёс қилиши керак. Агар ўша такаббур ходимнинг ишхонасида аванс ёки ойлик маошини бир кун кечикиб беришса борми, аюҳаннос солади. Кекса меҳнат ветерани ёки инвалид одам эса қаёққа боради? У албатта, райсобесга боради. Демак, уларга партия ва ҳукуматимиз талаб қилганидек эътиборли, ғамхўр, ҳамдард бўлиш социал таъминот ходимларининг биринчи галдаги бурчи.

М. МУРОДОВ.

Яхши хислат—гўзал фазилат

ГЎЗАЛЛИККА ҲУСН

Гўзаллик деганда иффатни, иффат деганда гўзалликни тушуниш керак. Хўш, гўзаллик нима? Бу ўз ифодасини тана тузилишида топадиган бир нарса. Бунга шаҳло кўз, гулдай чеҳра, сарвдек қомат, аниқроғи айрим хаёлчан шоирлар ўхшатадиган товусдек кўриниш киради.

Иффат эса, кишининг характерида, табиати, унинг бировлар билан қиладиган муомаласида, ширинсуханлигида, ҳаракат ва ишларида, ўзини тутишида, қисқаси, инсоннинг энг яхши фазилатларида ўз ифодасини топади.

Товус патларидаги жозибадор ранглар билан диққатни тортганидек, тана гўзаллиги ҳам кишилар диққатини ўзига жалб этади. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик қизлар ўшандай гўзалликни орзу қиладилар ва унинг орқасидан қувадилар.

Энди шундай савол туғилади. Гўзаллик устун турадими ёки иффатми? Тана гўзаллиги нима? У биринчидан, бамисоли чақмоқ чақнлгандай. Чақмоқ қанчалик тез сўнса, у ҳам шунчалик тез сўнади. Унда фазилат бўлмайди. Гўзалликни қизларнинг ўзлари ижод этганларидек, уни олиб ҳам қололмайдилар. Иккинчидан, уй ишларида ҳам унинг фойдаси йўқ. Нега дейсизми? Ахир чеҳра гўзал бўлгани билан пиширилаётган овқат лаззатли бўлмайди-ку! Кўз шаҳло бўлгани билан бола тарбияси тузалмайди-ку, кийими ювилмайди-ку! Эр-хотин ўртасида юз берган ёмон муносабат яхшиланмайди-ку! Ниҳоят, гўзаллик покиза муҳаббатни яратмайди-ку! У фақат эркакларни ўзига асир қила олади, холос. Шундай қилиб, тана гўзаллиги узоққа бормайдиган, рўзғорда фойдаси тегмайдиган ва ниҳоят соф севги билан алоқаси бўлмаган бир нарса экан. Лекин гўзалликни ҳам ўз ўрни бор, қачонки у иффат билан омухта бўлса.

Баъзан шунақа қизлар учрайдики, улар табиат берган гўзаллик билан чегараланмайдилар. Янада «гўзалроқ» бўлиш мақсадида бармоқдан тортиб, бўйину кулоқларигача турли жимжимали безакларни тақадилар, қошу кўздан бошлаб, оёқ-қўлнинг тирноқларигача бўяб чиқадилар. Бу—табиий гўзалликни бузишнинг айнан ўзи. Бундай қизлар қош қўяман деб кўз чиқарадилар.

Баъзи қизлар эса гўзаллик билан иффатни тарозининг икки палласига ўхшатадилар ва шу билан бу икки нарсани тенг демоқчи бўладилар. Чиндан ҳам шундаймикин? Бизнингча, бу икки нарса тарозига тортиб кўрилса, иффат томони босиб кетади. Чунки иффатсиз гўзаллик — гўзаллик эмас. Гўзаллик ҳамма вақт иффат биландир. Иффат гўзалликнинг мағзини ташкил этади. Мағиз олиб ташланса, у пуч ёнғоққа ўхшаб қолади.

Иффат нима? Бу, аввало, хотин-қизларнинг зийнати, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган мероси, ғурури ва ниҳоят бахтидир.

Баъзан яхши кишилар ҳақида «фаришта» сўзини қўллайдилар. Ана шу «фаришта» одамлар иффатли кишиларнинг худди ўзи. Кишилар иффатларини йўқотмагунча «фаришта» улар билан бирга бўлади. Иффат йўқолдими, «фаришта» ҳам учиб кетади. Шунинг учун «фаришта»ни хафа қилманглар, Фаришта»ни хафа қилганингиз эса, бахт қушини бошингиздан учириб юборганингиз бўлади.

Иффат ҳаммамизга ёр бўлсин!

О. КАРИМОВА,
Тошкент пластмасса ва химия маҳсулотлари заводининг инженери.

Одамлар орасида

ЯХШИЛИК ПАРВОЗГА ҚАНОТ

Ишга кетаётиб ғалати бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим. Автобусда ҳамма ўз хаёли билан кетар эди. Кейинги бекатга яқинлашганда олдиндаги машиналар тўхтаб қолди. Ҳали тонг ёришмаган эди. Ҳамма интиқ бўлиб олдинга қарай бошлади. Чунки эрталабки вақтни тежамасангиз, ишга кечикиш мумкин. Олдиндаги машиналар секин юра бошлади. Нимадир рўй берганини ҳамма ҳис қилиб турарди. Яқинлашганда маълум бўлдики, қандайдир автомобиль «Жигули» билан тўқнашибди. «Жигули» йўлга кўндаланг бўлиб қолган, олди қисми кўриб бўлмас даражада шикастланган. Шофёр эса кўринмасди. Одамлар ўзларича фикр юрита бошлашди.

— Жуда ёмон урибди-да, эрталабдан ичиб олган бўлса керак, — деди бир ўрта яшар одам.

Яна бир киши деди:

— Эсиз, «Жигули», эҳтиёт бўлиб ҳайдамайсанми, энди қанча югур-югур, қанча пул кетади ремонт қилишга, — деди.

— Негадир машина олдида ҳеч ким йўқ, шофёри қаерга кетганийкин?— деди учинчи бир йигит.

— Шофёри кўринмайди, ишқилиб унга шикаст етмаган бўлсин, саломатлик бўлса машина топилади, — деди менинг ёнимда ўтирган мўйсафид.

Ҳамма жим қолди. Ҳамма ундан доно сўз эшитиш учун индамай қулоқ солиб турибди.

— Хўп ажойиб замонлар бўлди, — давом этди отахон, — бизнинг давримизда араваси бор одам бадавлат ҳисобланарди. Биз эса 20-30 чақирим жойга пиёда борар эдик. Оёғимизда ҳам ё бор эди, ё йўқ эди. Ёшим саксон бешга кирди. Соғман, ҳали ҳам ўн-ўн беш чақиримга пиёда юришга қувватим етади.

Отахоннинг юзларига тикилдим. Ҳақиқатан ҳам тетик кўринарди.

— Давлатимиз, партиямизга минг раҳмат бўлсинки, ҳозирги пайтда энг чекка қишлоқларга ҳам автобуслар юриб турибди, — ичкн бир ғурур билан сўзларди у. — Ҳозир мана баъзи бирларингиз машинанинг шикаст егани ҳақида гапираяпсиз. Одамнинг ҳаёти-чи, шу «Жигули» эгасининг ҳаёти нима бўлди, у соғмикан, шикастланмадимикан, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Отахон ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапирар эди.

— Мен ёшимни яшаган бўлсам ҳам, бирдан-бир ёлғиз ниятим, орзуйим ёшлар соғ бўлсин деяман, болаларим! Биз уруш ва қирғинларни, очарчиликни ҳам кўрдик, сизлар кўрманглар. Болаларим, қари чол бир эзмаланди деб ўйламанглар, мени тўғри тушунинглар, бир-бирингизни ҳамиша асранглар. Чунки бир-бирингизга доимо кераксиз, болажонларим...

Автобус охирги бекатга келиб тўхтади. Очиғини айтсам, шунчалик берилиб тинглаганимдан қаёққа кетаётганимни ҳам унутаёзибман.

Ишхонага етиб бордим ҳамки, хаёлимдан нуроний отахоннинг сўзлари кетмасди, қулоғим остида жаранглаб турарди. Бу доно сўзлар чин ҳақиқат эди. Шундай яхши одамларнинг кўплиги, биз билан бирга яшаётгани қанчалар бахт! Соф юракли, юртининг, халқининг ғамида юрган яхши одамлар кўп экан, дунёда, ер юзида ҳамиша тинчлик барқарор бўлади. Осмонимиз мусаффо бўлади.

З. ИСАБОЕВ.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁКУБОВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IIда **Абу Али ибн Сино,** 19/IIда **Инқилоб тонги,** 20/IIда **Ғанг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—18/II да **Тошкентнинг нозанин маликаси** (15.30), **Хизматингизга тайёрмиз,** 19/IIда **Ешликда берган кўнгил,** 21/IIда **Хотинимнинг эри.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —18/IIда **Баланд дорга осилма,** 19/IIда **Ишқ қурбонлари,** 20/IIда **Хотинлар дастидан дод.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **янги программа.** «ПАҲЛАВОН ВА ШЕР» **аттракциони.**

КИНО

18 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНСОН БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ГРУЗИЯ—ОЛҒА ВА ЮКСАЛ!»— **Москва.**

«САБАНТУЙ ТОМОН ЙЎЛ» — **Фестиваль.**

«РАНС» — **Қозоғистон.**

«МАВЛУДА» — **Искра.**

«ЎЗИНГ ҲАҚИНГДА ҲИКОЯ ҚИЛ, ДАЛА» — **Нукус.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда), **Искра** (16, 18, 20.00).

«БУТУНЛАЙ АКСИ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда).

19 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНСОН БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ГРУЗИЯ—ОЛҒА ВА ЮКСАЛ!»— **Москва.**

«САБАНТУЙ ТОМОН ЙЎЛ» — **Фестиваль.**

«МАВЛУДА» — **Искра.**

«ЎЗИНГ ҲАҚИНГДА ҲИКОЯ ҚИЛ, ДАЛА» — **Нукус.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ» —**Лисунов номли** (тоқ соатларда), **Искра** (16, 18, 20.00).

«БУТУНЛАЙ АКСИ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда).

П. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ УЙИ

қуйидаги тўгаракларга ҳаваскор қиз ва йигитларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Халқ театрига (драма бўйича).
Миниатюра театрига.
Ашула ва рақс ансамблига.
Мақомчилар ансамблига.

ТЎГАРАКЛАРИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 10-уй (1, 4, 14, 18, 21-троллейбусларнинг «Калинин майдони» бекати).

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Тошкент шаҳрида қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси

ТУГАТИЛАДИ

Ҳамма даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

«Ташпромстрой», «Таштракторстрой» трестлари ва уларнинг «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги ташкилотларининг тугатилиши муносабати билан

ҳамма даъволар

БИР ОЙ МОБАЙНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, Проектная кўчаси, Г—40-уй.

ДАСТУРХОНДАГИ БАЛИҚ — ХОНАДОНДАГИ САЛОМАТЛИКДИР

Ўлкамизда энг кўп тарқалган балиқ — дўнгпешонадир. Узоқ Шарқ денгизларидан келтирилган бу балиқ бизда ўзининг иккинчи ватанини топди. Дарёлардаги бошқа балиқларга нисбатан дўнгпешона балиғининг гўштида калий, кальций, фосфор, витаминлар, оқсиллар кўпроқ. Тўлишиб кетишни хоҳламайдиган кишиларнинг дастурхонида балиқ таомлар ҳамма вақт муҳайё бўлгани яхши.

Дўнгпешона балиғининг гўштини қийма қилиб, майонез, қайла, сабзавот, томат қўшилса хушхўр бўлади. Агарда бу балиқ таомни дастурхонга тортилаётганда унга ранг-баранг гарнирлар, янги узилган сиркаланган ёки тузланган сабзавотлар, дориворлар, ош кўклар, петрушка, укроп қўшилса таом янада лаззатли ва иштаҳа очадиган бўлади.

БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИМИЗДАН ФОЙДАЛАНИБ КЎРИНГ.

Агарда балиқнинг қанотларини олдиндан олиб ташласангиз, уни тангачалардан тозалаш осон кўчади.

Қанотлари олинишидан кейин бўлган балиқни тозалаш олдидан қайноқ сувга 30 минут солиб қўйинг.

Янги балиқни бир неча кун сақлаш ҳам мумкин. Бунинг учун унинг ичак-чавоғини олиб ташлаш, ювмасдан қуруқ латта билан артиб, аввал намакобга шимдирилган ва қуритилган оппоқ қоғоз билан устидан қуруқ латта билан ўраб қўйсиз.

Янги балиқни ҳолодильникда 4—5 даражадан юқори бўлмаган ҳароратда яхши сақлаш мумкин.

Қайнатиб пиширилган балиқ дастурхонга тортишдан олдин қайноқ шўрвада 30 минут сақланади.

Агарда балиқни пиширишдан 10—15 минут олдин тузласангиз, қовуриш пайтида титилмайди.

Қиймаланган балиқ гўштини пишириш пайтида идишнинг тагига хом лавлаги, сабзи, пиёз парракларини, уларнинг устига балиқ бўлакларини қўйиш керак. Балиқнинг гўштига ва шўрвасига солиб қўйса бўлади.

ТИРИК БАЛИҚНИ АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЎЛИМИНИНГ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

13—магазин Ғафур Ғулом кўчаси («Москва» кафеси ёнида).

51 —магазин — Фарҳод бозори.

31—магазин —Зиё Саид кўчаси.



АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЎЛИМИ.

ЖОЗИБАЛИ КЎРИНИШ МАҚСАДИДА

Галстук тақмасдан туриб модали костюм, янги кўйлак кийишнинг ўзи етарли эмас.

Кейинги пайтларда энсиз галстукларни ихчам боғичлар билан тақиш одат тусига кириб кетди. Галстукнинг ранги ва гули кўйлак ва костюмнинг гули билан ҳамоҳанглашиб, умумий муштаракликни ҳосил қилмоғи керак.

Галстукларни тўғри танлай билиш учун бир неча оддий қоидани билишнинг ўзи кифоя.

Сидирға рангли кўйлакларга гулли, гулли кўйлакларга эса янада майин тусли галстуклар ярашиб туради.

Оч рангли костюмларга гули ёрқин галстукларни тақиш тавсия этилмоқда. Масалан, кулранг костюм ва оқ кўйлакка — зангори яшил тусли галстуклар мос тушади. Зангори рангли костюмларга эса қирмизи, кулранг ва мовий тусли галстуклар, жигаррангли костюмга қаймоқранг, оқпар ва яшил тусли кўйлак ва галстуклар ярашиб туради. Гули қатак-катакли, йўл-йўлли костюмларга сидирға рангли галстукларни сотиб олган маъқул.

ЭРКАКЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ»нинг магазинларидан, ЦУМ, ГУМдан сунъий шойи ва жундан тайёрланган ранг-баранг тусли, сидирға рангли ва гулли (ўзи боғланадиган, регат) **галстукларни сотиб олишингиз мумкин. Мамлакатимиз фабрикаларида, шунингдек ПОЛЬША, СУРИЯ, ЧССРда тайёрланган галстуклар сотувга қўйилган.**

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» РЕСПУБЛИКА БАЗАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

20 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 да

ҚУРУЛТОЙ ҚАТНАШЧИЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги—конкурси дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК

«ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ОРТИҚ ОТАЖОНОВ, ГУЛСАРА ЁҚУБОВА

Солистлар: опа-сингил Олмагул ва Урбугул СУИЕРБОЕВАЛАР, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Қўзибой ШЕРМАТОВ, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Феруза СОЛИҲОВА, Раъно ЖУМАНИЕЗОВА, Клара ХЎЖАЕВА, Валентина ПАШКОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўғилжон ИБОДУЛЛАЕВА олиб боради.
«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — Ортиқ Отажонов.
Бош балетмейстери — Мунаввар ИСРОИЛОВ.
Музика раҳбари — Нурилла ЖЎМЕЗОВ.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ш. РАХМАТУЛИН асари. Р. ВИЛЬДАНОВ музикаси.

«ЗАҲАР ИЧГАН ДАЪВОГАР»

(2 пардали музикали комедия)

Таржимон ва қўшиқ текстлари автори Хусниддин ШАРИПОВ.
Саҳналаштирувчи режиссёр — Н. САИДХОНОВ.
Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Э. ТОШМАТОВ.
Рассом — А. Жибоедов.
Балетмейстер — Ш. АХМЕДОВ.
Концертмейстер — М. ФУРМАН.
Режиссёр ёрдамчиси — И. ОДИЛОВ.
Саҳналаштириш раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр ИХТИЁРОВ.
Ролларда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари: М. ЮНУСОВ, О. ФАЕЗОВА, Ф. РАҲМАТОВА, Э. ЖАЛИЛОВА, М. ҒОФУРОВ.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Н. ПЎЛАТОВА, М. ИХТИЁРОВА, С. ПЎЛАТОВ, Б. ИХТИЁРОВ, А. АБДУРАҲМОНОВ, солистлар: Тожиддин АБДУВОХИДОВ, С. РАҲИМЖОНОВ, Х. НОСИРОВ, Р. СОЛИҲОВ, Ф. АХМЕДОВ, Ш. РЎЗИОХУНОВ, А. МАМАРАСУЛОВ, М. КАРИМОВА ва бошқалар.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

127-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

устки кийимларни тайёрловчи тикувчилик ихтисослиги бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

10-синфни битирган ёшлар қабул қилинадилар.
Ўқиш муддати — 6 ой.
Билим юртига қабул қилинганлар ойига 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.
Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.
Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар техникумларга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.
Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: билим юрти директори номига ариза, паспорт, справкалар: турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан, медицина (286-форма), мактабдан характеристика, 4 та фотосурат (4х4 см.).

Мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй (2, 9, 18, 19, 21, 51, 60, 72, 89, 56, 57-автобуслар; 2, 3, 16, 23, 28, 22-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5«а»-уй (3, 60, 80, 2, 25-автобуслар, 1, 2, 5, 24, 8, 9-трамвайларнинг «Қизил тонг» бирлашмаси бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» қошидаги

40-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги касблар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Минорали кран машинистлари, экскаватор машинистлари, бульдозер машинистлари, автокранчилар («С» категорияли шофёрлик ҳуқуқи билан), **автослесарлар, дурадгорлар, бўёқчилар.**

Ўқиш муддати— 6 ой, 1 йил ва 3 йил.
Билим юртига 8— 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигитлар ҳамда қизлар (минорали кран машинисти касбига) **қабул қилинади.**

Қабул қилинганлар 75 сўм (автослесарь, дурадгор, бўёқчи — 30 сўм) **стипендия ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида маошнинг 50 проценти билан таъминланадилар.**

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.
Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.
8-синф ҳажмида маълумотлилар давлат таъминотида бўладилар (формали ва махсус кийим-кечак ҳамда уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар).
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ўқувчилар ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма оладилар ва кириш имтиҳонларида имтиёзлардан фойдаланадилар.
Билим юрти қошида вокал-чолғу ва халқ чолғу ансамбллари, турли спорт секциялари, рассомлик, фото ва техника ижоди тўгараклари мунтазам ишлаб туради.

Ўқиш группалар комплектлаштирилгандан сўнг бошланади.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, паспорт (туғилганлик гувоҳномаси), маълумоти ҳақида шаҳодатнома (гувоҳнома), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, соғлиги ҳақида справка (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.
Ҳужжатлар ҳар куни (дам олиш кунидан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги адрес бўйича қабул қилинади:** Тошкент шаҳар, Луначарский шоссеси, 69-уй (1, 1«э», 4, 17«э», 24«э», 102, 63-автобусларнинг «М. Горький метро станцияси» (17, 18-троллейбусларнинг «Партия мактаби» бекати).

Тошкент шаҳар, Октябрь район 15-кечки сменали ўрта мактаб томонидан Мўминов Алимжон Абдисаломович номига берилган 694969 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ленин район ошхоналар трестининг 224301 номердан 224307 номергача фойдаланилган ва 224307 номердан фойдаланилмаган 224325 номергача йўқолган

ЛИМИТЛИ ЧЕК ДАФТАРЧАЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИГА

ательe мудирлари, ҳисоблаш бўлими бухгалтерлари, тикув буюмлари сифати бўйича контролёрлар, қабул қилувчилар, чархловчи усталар, эркаклар устки кийимини тикувчилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИГА

кабелчи-электр монтажчилар, электр слесарлар, ёрдамчи ишчилар, юк ортувчилар, ҳайдовчилар, автокранчилар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

ярим ўтказгичли приборларни йиғувчилар, контролёрлар, операторлар, синовчилар, слесарлар, электр монтёрлар, токарлар, фрезерчилар, созловчилар, дурадгорлар, герметизаторчилар, бўёқчилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

иқтисодчилар, материаллар бўлими бухгалтерларини

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ЛОЙИҲАЛАШ ТАШКИЛОТИГА

группаларнинг раҳбарлари, етакчи инженерлар, теплица хўжалиги ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг катта инженерлари ва қурувчи инженерлари.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИГА

нонвойлар, хамир қолипловчи усталар, юк ортувчилар, слесарлар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ХАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети. Совет Армияси майдони.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

18 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.05 «Стадион ҳамма учун» 18.35 «Миллионлар ленинча университети» «Инсон маънавий дунёсининг асослари». 19.15 «Дунё воқеалари» 19.30 «Сила давраси» туркумидан. «Паша+Ира». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси 20.20 «Бир рейслик шофёр» Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Санъат усталарининг концерти. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 Илмий-оммабоп фильм.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 РСФСРда хизмат кўрсатган артист, Грузия ССР халқ артисти М. Касрашвили ҳамда СССР халқ артисти З. Соткилава концерти. 19.30 «Биз БАМни қуряпмиз». 20.00 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Жойида ҳал этилмоқда». 2-кўрсатув. «Чашмалар». 21.30 «Время». 22.05 «Қадрдонларим». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси.

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 18.50 «Мусобақа —омма ижоди» телевизион конкурсининг якуни (рус). 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Замин менинг тақдиримда». Кинопрограмма. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Эртага — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойи». Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Абитуриентлар учун. Математика. 19.20 «Чирчиқликлар беш йиллик зарбдор вахтасида» (рус). 19.50 «Тикланиш трассалари». Телефильм 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Таймирда балиқ ови». Телефильм. 20.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 21.30 МТ II.

19 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Горнчилар, қаердасиз?». 10.25 «Бир рейслик шофёр». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.35 Телевизион ҳужжатли фильм. 12.20 «Солдатлик шон-шуҳрати изидан» РСФСР халқ артисти А. Консовский ижросида совет шоирларининг шеърлари. 12.45 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.10«Москва комсомолининг ишлари». 16.40 «Белорус манзаралари». Концерт. Минскдан олиб кўрсатилади. 17.10 СССР билан Шри Ланка Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг йиллигига. «Шри Ланка—ажойиб орол». Кинопрограмма. 17.35 «Мунозара клуби».

18.30 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. 10 км. Норвегиядан олиб кўрсатилади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 И. Брамс. И. Гайдн мавзуларига ёзилган вариациялар. Венгрия радиосининг оркестри чалади. Дирижёр — Г. Рихтер (ГФР). 19.50 «Фан оламида». 20.20 «Бир рейслик шофёр». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 Останкино концерт студиясида ёшлар кечаси. Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, қўшиқчи Дин Рид иштирок этади. 23.50 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Халқ оҳанглари». 19.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.00 «Комсомольская правда» газетасининг соврини учун сувга сакраш бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. Минскдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Жойида ҳал этилмоқда». 3-кўрсатув. «Омма билан алоқани мустаҳкамлай бориб». 21.30 «Время». 22.05 «Композитор Глинка». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Рус адабиёти. Л. Н. Толстой қадамжолари бўйлаб. «Ясная Поляна». (рус). 12.00 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма. 13.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар».

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Қўғирчоқбоз». 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари». 19.00 КПСС Марказий Комитети (1981 йил) ноябрь Пленуми қарорлари—ҳаётга. Андижон ёғ-мой комбинати. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Ҳамро бувининг эртаклари». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.00 «Дунё воқеалари». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Мўъжизалар оламида». Фильм-концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Қурултой залидан репортаж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорлари қурултой қатнашчилари учун концерт. В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Она тили. 18.40 Реклама. 18.50 Абитуриентлар учун. Физика. 19.50 «Солдатнинг оддий иш кунлари». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ер ва эл». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 21.00 Ўқитувчилар учун консультация. 21.30 МТ II.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ бет

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66: саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85: шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19 фан мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10: адабиёт ва санъат — 32-56-81: ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32: хатлар — 33-29-70: эълонлар бўлими —33-81-42: нашриёт диспетчери 32-78-94: нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.